

«УТВЕРЖДАЮ»

Начальник

Службы

профилактики правонарушений

МВД Республики Узбекистан

Б.Э. Бердиалиев

» апрель 2022 года



ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ

на распечатку книги для нужд подразделений

Службы профилактики правонарушений МВД Республики Узбекистан

Книга: состоит из 178 стр + обл

Кол-во: 10 000шт

Формат: 90x110мм

Обл: твердый переплет 2 мм + 170гр мелованная бумага

Печать: 5+1

Постпечать: Обл. ламинация бархатная + 3D эффект (лак, золото) + конгрев

Внут стр: Бумага 150гр мелованная бумага

Печать: 5+5 + ВД лак

Постпечать: Фальцовка, нитка швейка.

Дизайн и вёрстка от производителя

**Старший инспектор Службы
профилактики правонарушений
МВД Республики Узбекистан**

К.Р.Хатамов



**Ички ишлар вазирлиги
Хукуқбузарликлар профилактикаси
хизмати**

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ
ЁН ДАФТАРЧАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари полковник
Б.ТАБДУЛАЕВнинг умумий таҳрири остида.**

Нашр учун масъул

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
хизмати бошлиги полковник Б.Э. БЕРДИАЛИЕВ**

Муаллиф-тузувчи

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
хизмати бўлим бошлиги подполковник Ж.С. ШАРИПОВ**

**Профилактика инспектори билиши лозим бўлган ҳуқуқий ва демографик
маълумотлар тўплами: Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲПББ, 2022. – 68 б.**

Мазкур тўплам ички ишлар органлари ҳуқуқ-тартибот масконлари профилактика инспекторлари билиши лозим бўлган соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳудудларнинг демографик маълумотлари, давлат расмzlари, юқори турувчи идоралар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек профилактика инспекторининг ҳуқуқ ва мажсубуриятлари ёритилган.



Кириш сўзи

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзойев томонидан Янги Ўзбекистон тарихида ҳар бир маҳаллада хавфсиз шароитларни яратиш, фуқароларимизнинг тинчлик осойишталигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, маҳалланинг нуфузи ва ролини ошириш мақсадида, мухтарам Президентимиз томонидан алоҳида Фармон қабул қилинди.

Фуқароларимиз учун муносиб шароитларни яратишга қаратилган “обод қишлоқ”, “обод маҳалла”, “хавфсиз хонадон”, “хавфсиз ҳовли” “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” билан белгиланган ишлар ҳам бевосита маҳалланинг ўзида йўлга қўйилди.

Умуман олганда, ҳар бир давлат органи раҳбарининг фаолияти “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳар галги ҳудудларга ташрифлари давомида айнан маҳалла раиси, профилактика инспектори билан бевосита сұхбатлашмоқдалар.

Маҳалланинг – ободончилиги, аҳолининг турмуш тарзи, жиноятчиликнинг аҳволи, иқтисодий-ижтимоий ривожланшига караб Давлатимиз раҳбари шу ҳудуднинг 4 та сектор раҳбарига, маҳалла раисига, профилактика инспекторига баҳо бермоқдалар.

Шунинг учун ҳам, маҳалла институти аҳолининг энг яқин маслакдоши ва кўмакдошига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни рўёбга чиқарувчи асосий кучга айланиши зарур.

Бу борадаги вазифаларни вижданан ва ҳалол амалга ошириш бевосита маҳалла раиси ва профилактика инспекторидан катта масъулият талаб қиласи, албаттада.

Айнан шу сабабли, уларга мухтарам Президентимиз томонидан катта эътибор, ваколат ва имкониятлар берилмоқда.

Шунинг учун, ҳар бир профилактика инспектори ўзининг маҳалласида куйидаги масалаларга алоҳида эътиборни қаратиши лозим:

маҳалла худудида истиқомат қилаётган жиноят ёки хуқуқбузарлик содир этиши мумкин бўлган шахсларнинг (нотинч, ажрашган, ажрим ёқасига келган, ноқонуний никоҳда яшовчи оилалар, гиёҳванд, спиртли ичимликка ружу қўйган, руҳий касаллар, ўзаро адовати мавжуд, ичкилик, қимор уйнашга берилган, фоҳишалик билан шуғулланаётган) рўйхатини тузиб, улар билан профилактик ишларни олиб бориш ва мавжуд ижтимоий муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш мақсадида, назоратсиз юрган ёшлар, шубҳали ёки бегона фуқаролар, юриш-туришида ўзгариш кузатилган шахслар (қиморбоз, судхўр, фоҳишахона сақловчи, фойдаланилган телефон аппарати ёки ноқонуний тилла буюм олиб сотувчи, кирракаш, аравакаш кабилар) билан кунлик шугулланиш;

“Темир дафтар”га (кам таъминланганлар), “Ёшлар дафтари”га (30 ёшгача бўлган муаммоси бор ёшлар) ва “Аёллар дафтари”га (30 ёшдан ошган ижтимоий-иктисодий қийин - чиликка учраган хотин-қизлар) киритилган фуқароларнинг муаммоларини сектор раҳбари билан бирга ҳал этиш;

маҳаллада аҳолини қийнаб келаётган ижтимоий муаммолар, яъни ичимлик суви, электр, газ таъминоти, йўлларнинг носозлиги билан bogлиқ муаммоларнинг ечими бўйича ҳокимликлар, сектор раҳбарларига таклиф киритиш масалалари бугунги кун профилактика инспекторининг асосий хизмат вазифаси хисобланади.

Бу борадаги ишларни бажаришда профилактика инспектори юксак маънавиятли, фуқаролар билан хушмуомалали, вазмин бўлиши, уларнинг ҳар бир мурожаатини холисона ва вижданан ёндашиб, қонун доирасида ҳал этиши зарур.

Ҳар куни ўзининг устида ишлаши, қонунчиликнинг янги нормаларини ўзлаштириши, зиммасига юклатилган вазифаларни билиши замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Шунинг учун, ҳар бир профилактика инспектори хизмат вазифаларини бажаришда шубҳа пайдо килиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиши, жасурлик ва фидойилик билан эл-юртга хизмат килиши зарур.

Мухтарам Президентимизнинг таъбири билан айтганда ҳар бир ички ишлар органи ходими учун “Ватанг ва ҳалқа садоқат билан хизмат килиш – олий бурҷ” хисобланади. Буни ҳар бир профилактика инспектори доимо ёдда тутиши даркор.

**Пўлат БОБОЖНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири
генерал-лейтенант.**

**Профилактика инспекторининг маҳалласи
тўғрисида**

| | |
|--|--|
| Маҳалла раисининг Ф.И.О | |
| Маҳалланинг номи ва қачон ташкил топган, номланиши нимани англатади. | |
| Маҳалла аҳолиси сони | |
| Аёллар | |
| Ёшлар | |
| Ўқувчилар сони | |
| “Темир дафтар” даги шахслар сони | |
| шундан ишсизлар | |
| “Аёллар дафтари” даги шахслар сони | |
| “Ёшлар дафтари” даги шахслар сони | |
| шундан ишсизлар | |
| Тадбиркорлар сони | |
| Мактаблар сони | |
| Ўрнатилган камералар сони | |
| Кафе, бар ва чойхоналар сони | |
| Ёритилмаган кўчалар сони | |
| Маҳалла ҳудудида содир этилган жиноят сони | |
| сони Маҳалла ҳудудида аниқлан -ган жиноят сони | |
| шундан ишсизлар | |
| шундан ишсизлар | |
| Илгари судланганлар сони | |
| Пробация ҳисобида турувчилар сони | |
| ИИО нинг профи- лактик ҳисобида турувчилар сони | |
| Соглиқни сақлаш органлари ҳисобида турувчилар сони | |

1-БОБ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Республика ҳудуди – 448, 97 минг кв. км.

Давлат чегарасининг Афғонистон билан узунлиги - 137 км, Қозогистон – 2203 км, Қирғизистон – 1099 км, Тожикистон – 1161 км, Туркманистон билан 1621 км. Жами: 6221 км. Ўзбекистон дунё сув ҳавзаси чиқиш учун икки мамлакат ҳудудидан ўтиши керак бўлган жаҳондаги икки давлатдан бири бўлади. Лихтенштейн билан биргаликда.

Ўзбекистон аҳолининг таркибида

Аҳолиси – 35.271.900 киши

Пойтахти – Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси таркибида:

Қорақалпоғистои Республикаси

Вилоятлар – 12 та

Барча шаҳарлар – 119 та

Шаҳар посёлкалар – 1071 та

Қишлоқ аҳоли пунктлари – 11015 та

Маҳаллар сони – 9338 та

Валютаси – сўм

Ўзбекистон Марказий Осиёда жойлашган.

Мустақиллигини **31 август 1991 йилда** эълон қилди.

Умумий ҳудуди 448, 97 кв. км. 2/3 қисмини текисликлардан ва 1/3 қисми тог ва тог олди ҳудудлардан иборат.

Аҳолисининг **49,5 %** қишлоқ аҳолиси, **50,5 %** шаҳар аҳолиси,

130 данг ортиқ миллат намоёндалари истиқомат қиласади, аҳолисининг **83,9 %** ўзбеклар.

Ўзбекистонда **130** дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қиласади.





ВИЛОЯТИ

Вилоят ташкил топған сана _____

Вилоят ҳудуди - _____

Вилоят аҳолиси - _____

Вилоят ҳокими - _____

Вилоят ИИБ бошлиғи- _____

Вилоят прокурори - _____

Вилоят Солиқ башқармаси бошлиғи _____

тумани

Туман ташкил топған сана _____

Туман ҳудуди - _____

Туман аҳолиси - _____

Туман ҳокими - _____

Туман ИИБ бошлиғи- _____

Туман прокурори - _____

Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи _____

УЗБЕКИСТОНДА ЙИЛ НОМЛАРИ

| | | | |
|-------------|------------------------------------|-------------|--|
| 1991 | Алишер Навоий йили | 2007 | Ижтимоий ҳимоя йили |
| 1992 | Ҳамширалар йили | 2008 | Ёшлар йили |
| 1993 | Аҳмад Яссавий йили | 2009 | Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили |
| 1994 | Мирзо Улуғбек йили | 2010 | Баркамол авлод йили |
| 1995 | Абу Али ибн Сино йили | 2011 | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили |
| 1996 | Амир Темур йили | 2012 | Мустаҳкам оила йили |
| 1997 | Инсон манфаатлари йили | 2013 | Обод турмуш йили |
| 1998 | Оила йили | 2014 | Соғлом бола йили |
| 1999 | Аёллар йили | 2015 | Кексаларни эъзозлаш йили |
| 2000 | Соғлом авлод йили | 2016 | Соғлом она ва бола йили |
| 2001 | Она ва бола йили | 2017 | Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили |
| 2002 | Қарияларни қадрлаш йили | 2018 | Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили |
| 2003 | Обод маҳалла йили | 2019 | Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили |
| 2004 | Мехр-мурувват йили | 2020 | Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили |
| 2005 | Сиҳат-саломатлик йили | 2021 | Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили |
| 2006 | Ҳомийлар ва шифокорлар йили | 2022 | Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили |

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ БАЙРОГИ

"Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII Сессиясида қабул қилинган.

Давлат байроғи ва унинг рамзи буғунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.



1. Байроқдаги мовий ранг – тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби-ҳаёт рамзи. Тимсоллар тилида бу – яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди.

2. Байроқдаги оқ ранг – муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг – поклик, беғуборлик, софликни, орзу ва ҳаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсоли.

3. Яшил ранг – табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина ҳалқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қизил чизиқлар – вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларини англатади.

5. Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда у кўлга киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳам.

6. Юлдузлар барча учун руҳоний, илоҳий тисмол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги йилномамизига бевосита алоқадор. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида нужум илми тараққий этганилиги билан ҳам изоҳланади.

Давлат байроғимиздаги 12 юлдуз тасвирини ўзбек ҳалқи маданиятининг қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

Байроқнинг узунлиги 250 см, кенглиги 125 см.га тенг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ДАВЛАТ ГЕРБИ



"Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонун 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X Сессиясида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби гуллаган водий узра чараклаб турган қуёш тасвиридан ҳамда сўл томонида буғдой бошоқлари, ўнг томонида очилган пахта чаноқлари сурати туширилган чамбардан иборат.

Гербнинг юқори қисмида республика жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган: саккиз қирра ичидаги жойлашган ярим ой ва юлдуз мусулмонларнинг кутлуғи рамзидир.

Гербнинг марказида баҳт ва эркесварлик рамзи - қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байробини ифода этувчи чамбар лентасининг бантнда «O'ZBEKISTON» деб ёзиб қўйилган. Герб муаллифи рассом Анвар Мамажонов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ДАВЛАТ МАДХИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрдаги 768-XII-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси муаллифи Абдулла Орипов, мусиқасини Мутал Бурҳонов басталаган.

Серқуёш хур ўлкам, элга баҳт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона рухи сенга ёр!
Улугхалқұдрати жүшурган замон,
Оlamни маҳлиё айлагандиёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони, Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот! Истиқлол машъали тинчлик посбони, Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона рухи сенга ёр!
Улугхалқұдрати жүшурган замон,
Оlamни маҳлиё айлагандиёр!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ



Конституция (лотинча "Constitution" – тузилиш, тузук) – давлатнинг Асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ, XI сессиясида қабул қилинган. Муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ҳамда

128 моддадан иборат. Ҳозирга қадар 15 маротаба ўзgartириш ва қўшимчалар киритилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВ

Шавкат Миромонович Мирзиёев 1957 йил 24 июлда Жиззах вилоятининг Зомин туманида шифокор оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Олий маълумотли, 1981 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тутатган. Муҳандис-механик мутахассислигига эга. Техника фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бошлаб, кичик илмий ходим, катта ўқитувчи, доцент, ўқув ишлари бўйича проректор лавозимларида ишлади.

1990 йили Республика Олий Совети депутатлигига сайланиб, айни вақтда Мандат комиссиясининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

1992 йилда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокими лавозимига тайинланди. 1996-2001 йилларда Жиззах вилояти ҳокими, 2001-2003 йиллар мобайнода Самарқанд вилояти ҳокими лавозимларида ишлаб, мазкур туман ва вилоятларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Ижро ҳокимиятидаги фаолияти билан бир пайтда 1995-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати сифатида ҳам мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳамда демократик ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги муҳим қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиб, самарали фаолият олиб борди.

Ш.М.Мирзиёев 2003 йилда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири этиб тасдиқланди ва ушбу лавозимга яна уч марта - 2005, 2010, 2015 йилларда Олий Мажлис палаталари томонидан қайта тасдиқланди.

2016 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент палаталарининг қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажариш вақтингча Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юкланди.


19 октябрь куни Тошкентда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездиде бўлиб ўтди. Унда партия сиёсий кенгаши аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини Президентликка тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайлови якунлари бўйича сайловчиларнинг **88,61 фоиз** овози билан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. 2016 йил 14 декабря расман ўз вазифасини бажаришга киришди.

2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Президент сайлови якунлари бўйича сайловчиларнинг **80,1 фоиз** овози билан яна 5 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланди.

Ш.М.Мирзиёев оиласи, икки қиз, бир ўғли, олти нафар набираси бор. Рафиқаси З.М.Мирзиёева - мутахассислиги бўйича муҳандис-иктисодчи.

Ш.М.Мирзиёев давлат ва бошқарув органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш ишига улкан ҳисса қўшгани учун «Меҳнат шуҳрати» ва «Фидокорона хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ



- | | |
|----|---|
| 1. | Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз; |
| 2. | Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир; |
| 3. | Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади; |
| 4. | Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари; |
| 5. | Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз; |
| 6. | Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз; |
| 7. | Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрга тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови; |
| 8. | Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. |

| | |
|-----------|---|
| 9 | Янги Узбекистонда эркин ва фаровон яшайлик! |
| 10 | Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик - миллый гоямизнинг пойдеворидир |
| 11 | Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2021 й |
| 12 | Янги Узбекистон стратегияси |



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2018** йил **26** августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида"ти Фармонига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятини ахборот-таҳлилий ва ташкилий-назорат жиҳатдан таъминлашни амалга оширувчи давлат органидир.

**2-БОБ. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими қўйидаги
бўлинеш принципига асосланади**

1

Қонун чиқарувчи
ҳокимият

2

Ижро этувчи
ҳокимияти

3

Суд ҳокимияти

**Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси
ва Президенти иш олиб бориши мумкин**

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ

Олий Мажлис Сенати раиси - Нарбаева Танзила Камаловна

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раиси -Исмоилов Нурединжон
Майдинханович**

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Олий Мажлис икки палатадан – Қонунчилик палатаси (куйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколат муддати – беш йил. Қонунчилик палатаси худудий сайлов округларидан қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик нафар депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати худудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Конғеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлизизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;
- 3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боялиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимларга тасдиқлаш учун кўриб

чиқиши маъқуллаш киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлак ваколатларига:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судинисайлаш;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судинисайлаш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раисини тайинлаш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўгрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўгрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;
- 8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;
- 10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан амнистия тўгрисидаги хужжатларни қабул қилиш;
- 11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик хукуқидан маҳрумэтиштўгрисидаги масалаларни ҳалэтиш;
- 12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисботларини эшлиши;
- 13) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Қонунчилик ташаббуси хукуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпогистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу хукуқ қонунчилик ташаббуси хукуки субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланганча ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эгабўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичida юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичida имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишида Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган хисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътиrozлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаишга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичida имзоланиши ва эълон қилиниши керак.



Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар кўлланилишининг мажбурий шартиdir.

Сенат қўмиталари.

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси

Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси

Қоиуичилик палатасининг қўмиталари

- 1 **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси**
- 2 **Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси**
- 3 **Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси**
- 4 **Халқаро ишлар ва парламетлараро алоқалар қўмитаси**
- 5 **Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси**
- 6 **Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси**
- 7 **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси**
- 8 **Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси**
- 9 **Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси**
- 10 **Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси**
- 11 **Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси**
- 12 **Экология ва атрофмуҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАВЖУД СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

| Халқ демократик партияси | | |
|--|--|--------------------------------------|
| | <p>1991 йил 1 ноябрдаги партияning Таъсис қурултойида асос солинди. Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу сайловларга ўз сафида 424.5 мингдан зиёд аъзолари билан бормоқда.</p> <p>Партия аъзоларини бевосита бирлаштирадиган 9 955 та бошланғич ташкилот фаолият қўрсатмоқда.</p> | Иноятов Улугбек Илясович |
| “Адолат” социал-демократик партияси | | |
| | <p>1995 йил 18 февралда партияning биринчи Таъсис Қурултойида ташкил топган.</p> <p>Бугунги кунда Ўзбекистон “Адолат” СДП ўз сафида 135 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган 3700 дан зиёд бошланғич партия ташкилотларига эга.</p> | Умаров Наримон Маджитович |
| “Миллий тикланиш” демократик партияси | | |
| | <p>2008 йил 20 июнда “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Фидокорлар” миллий демократик партиясининг бирлашиш Қурултойида, икки партия негизида янги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташкил топди. Бугунги кунда партия аъзолар сони 190 мингга яқинни ташкил этади ва 5 578 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотига эга.</p> | Кадиров Алишер Келдиевич |
| Либерал-демократик партияси | | |
| | <p>Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2003 йил 15 ноябрда бўлиб ўтган Таъсис Съездидаги ташкил топган. Бугунги кунда 620 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. 1 2000 га яқин бошланғич партия ташкилотига эга.</p> | Хайтов Акта́м Ахмадович |
| Экологик партияси | | |
| | <p>Ўзбекистон экологик ҳаракати (2008 йил 2 август куни ташкил топган, 2008 йил 20 сентябрь куни Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган) негизида ташкил этилган ва 2019 йил 8 январь куни Адлия вазирлиги рўйхатидан ўtkazilgan.</p> <p>Бугунги кунда 240 мингдан ортиқ аъзоси мавжуд.</p> | |

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ)

Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавф- сизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлан-тириш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил этилган ҳалқа-ро ташкилот. БМТ Уставига дастлаб 51 дав-лат имзо чеккан, ҳозирда аъзо давлатлар 193 тага етган.

БМТнинг доимий иш ўрни (штаб квар-тираси) - Нью-Йорк шаҳрида жойлашган БМТнинг расмий тиллари - инглиз, француз, рус, испан ва хитой тиллари бўлиб, инглиз, француз, испан тилларида иш юритилади.

Ташкилотда 6 та бош орган мавжуд. Улар-дан бештаси - Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши, Васийлик Кенгаши ва Котибият - БМТнинг Нью-Йоркдаги Марказий қароргоҳида, ол-тинчи орган - Халқаро Суд эса Нидерландия-нинг Гаага шаҳрида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон БМТга 1992 йил 2 март куни аъзо бўлган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ)

1991 йил 8 декабрда Минскада Белоруссия, Россия, Украина томони-дан СССР нинг тугатилган-лиги тўғрисидаги хужжат-ни имзоладилар. Шу билан

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкилоти тузилди. 1991 йил 21 декабрда битимга Озарбайжон, Арманистон, Қозогистон, Қиргизис-тон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон қўшилди.

Ҳозирда ташкилотга кирувчи давлатлар-нинг аҳолиси 283 млн. кишини ташкил этади. Уларнинг 29,4 фоизи саноат ва қурилиш-да, 21,5 фоизи қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик соҳасида ишлайди.

Ташкилот давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ташқи сиё-сий фаолиятни мувофиқлаштириш, умумий иқтисодий маконни вужудга келтириш, транс-порт ва алоқа тизимларини ривожлантириш, аҳоли соглиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий масалалар ва иммиграция сиёсати, уюшган жиноятчиликка қарши кура-шиш, мудофаа сиёсатида ҳамкорлик қилиш ва ташқи чегараларни қўриқлашда биргаликда фаолият юритишни назарда тутади.

МДҲнинг қўйидаги органлари ташкил қилинган: Давлат бошликлари кенгаши Ҳукумат бошликлари кенгаши, Ташқи иш-лар вазирлари кенгаши Давлатлараро иқтисодий қўмита, маркази Парламентла-раро ассамблея (Санкт-Петербург) ва дои-мий ишловчи органи Мувофиқлаштирувчи маслаҳат қўмита (Минск) ҳисобланади. Ҳозирда ташкилотга 11 та мамлакат аъзо бўлиб, улар Россия, Белоруссия, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Қозогистон, Қирги-зистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон. Шунингдек, Мўгулистон ва Аф-гонистон кузатувчи мақомига эга.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)

Хитой, Россия, Қозогистон, Тожикистон, Қиргизистон ҳамда Ўзбекистон давлатла-ри ўртасида 2001 йил 15 июн-да ташкил этилган. Унинг асо-

сий мақсади аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, савдо-иктисодий, ил-мий-техникавий, маданий, шунингдек, таълим, энергетика, транспорт, туризм, ат-роф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа со-ҳалардаги самарали ҳамкорликни йўлга кў-йишидан иборат.

2003 йилда эса ШХТ Котибияти (Пекин) ва Минтақавий Аксилтерор тузилмаси (Тош-

кент) ташкил этилди.

Евроосиё худудининг 61 фоизини, дунё аҳо-лисининг тўртдан бир қисмини ташкил қилган мамлакатлар иштирокидаги Янги ташкилот қа- бул қилган биринчи хужжат “Шанхай Ҳамкор-лик Ташкилотини тузиш тўғрисидаги Деклара-ция”, “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция бўлди. Бугунги кунда жаҳонда нуфузи ортиб бо- раётган ташкилотга 8 та- Ўзбекистон, Россия, Қозогистон, Қиргизистон, Тожикистон, Хитой, Покистон ва Ҳиндистон давлатлари аъзо. Шунингдек, Афғонистон, Мўгулистан, Эрон ва Белоруссия давлатларига кузатувчи ҳамда Шри-Ланкага мулоқот бўйича ҳамкор мақоми берил

ШХТ Бош котиби Владимир Норов ва Мин-тақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўми - таси директори Жумахон Ғиёсов ҳисобланади.

Ҳалқаро ташкилотнинг ташкил топган вақтлари

| | |
|------------------|--|
| БМТ | Бирлашган миллатлар ташки-лоти (1992 йил 2 март) |
| МДҲ | Мустақил давлатлар ҳамдўст-лиги (1991 йил 21 декабрь) |
| ЖСТ | Жаҳон савдо ташкилоти (1992 -1993 йиллар) |
| ЭСОСАН | Экология ташкилоти (1993 йил 20 сентябрь) |
| ШХТ | Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (1996 йил , қайта номланиши 2001 йил 15 июнь) |
| ИНТЕРПОЛ | Ҳалқаро полиция ташкилоти (1994 йил) |
| МАГАТЕ | Атом энергиясидан фойда-ланишни назорат қилувчи ташкилоти (1994 йил) |
| UNESCO | Бутун жаҳон маданий ёдгор-ликлар ташкилоти (1993 йил 26 октябрь) |
| НАТО | Шимолий атлантика ҳарбий блоки (1994 йил 13 июнь) |
| ОРЕК | Ҳалқаро нефт ташкилоти (1996 йил) |
| НАФТА | – Ҳалқаро эркин иқтисодий зоналар ташкилоти |
| ТАТ (ХМТ) | Ҳалқаро меҳнат ташкилоти (1992) |
| ХСП | Ҳалқаро савдо палатаси |
| ХСТ | Ҳалқаро стандартлаштириш ташкилоти |
| ЖИМТ | Жаҳон интелектуал мулк ташкилоти |

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби

Бош вазир

Ўринбосарлари - 6 нафар

Вазирлар – 25 та

Қўмита раислари – 9 та

*Қорақалпоғистон Республикаси
ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар
Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича
киради*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этучи ҳокимиятни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси қўйидаги ваколатларга эга:

Самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соглиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

Фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳукуклари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

Ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалгаоширади.

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун худудидаги барча органлар,

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган **карорлар ва фармойишлар чикаради**.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қиласди, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунига кадар мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ИЖРО ЭТУВЧИ ТУЗИЛМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ТАРКИБИ

Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти

Бош вазир – **Арипов Абдулла Нигматович**

Бош вазир ўринбосарлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига – **Раматов Ачилбай Жуманиязович**

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбагалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Иктиносидий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш вазири - **Кучкаров Джамшид Анварович**

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари - **Ғаниев Шухрат Мадаминович**

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иктиносидий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири - **Умурзаков Сардор Укташович**

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари - **вакант**

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазири- **Абдухакимов Азиз Абдукахарович**

Вазирликлар:

1. Ички ишлар вазири - **Бобоҷонов Пўлат Рассақовиҷ**
2. Иктиносидий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш вазири - **Қўчқоров Жамшид Анварович**
3. Молия вазири - **Ишметов Тимур Аминжанович**
4. Транспорт вазири - **Махкамов Илҳам Рустамович**

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири - **Хусанов Нозим Баҳтиёрович**
6. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири - **Тошқулов Абдуқодир Ҳамидович**
7. Халқ таълими вазири - **Сайдов Баҳтиёр Одилович**
8. Соглиқни сақлаш вазири - **Мусаев Беҳзод Анварович**
9. Мудофаа вазири - **Қурбонов Баҳодир Низомович**
10. Фавқулодда вазиятлар вазири в/б - **Худайбергенов Турсинхон Айдарович**
11. Қурилиш вазири - **Зокиров Ботир Эркинович**
12. Ташқи ишлар вазири - **Комилов Абдулазиз Ҳафизович**
13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазири - **Умурзоқов Сардор Ўқтамович**
14. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири – **Шерматов Шерзод Хотамович**
15. Адлия вазири - **Давлетов Русланбек Куролтаевич**
16. Маданият вазири - **Назарбеков Озодбек Аҳмадович**
17. Спортни ривожлантириш вазирлиги- **Икромов Адҳам Илҳомович**
18. Туризм ва маданий мерос вазирлиги- **Абдуҳакимов Азиз Абдукаҳаровиҷ**
19. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири - **Хидоятов Шерзод Сайджанович**
20. Мактабгача таълим вазири - **Шин Агриппина Васильевна**
21. Инновацион ривожланиш вазири - **Абдураҳмонов Иброҳим Йўлчиевич**
22. Қишлоқ хўжалиги вазири - **Хўжаев Жамшид Абдуҳакимович**
23. Сув хўжалиги вазири – **Ҳамроев Шавқат Раҳимович**
24. Энергетика вазири - **Султонов Алишер Саидаббосович**
25. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири – **Худайбергенов Турсинхан Айдарович**

Давлат Қўмиталар:

1. Давлат статистика қўмитаси раиси - **Бегалов Баҳодир Абдусаломович**
2. Давлатсолиқ қўмитаси раиси - **Қудбиев Шерзод Давлатович**
3. Давлат божхона қўмитаси раиси - **Мавлонов Акмалхужа Юсупович**
4. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси - **Обломурадов Нарзулло Наимович**
5. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси – **Исламов Бобир Фарҳодович**
6. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси - **Гулямов Баҳтиёр Вахабович**
7. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - **Бакиров Низомиддин Жалилович**
8. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси – **Норқобилов Баҳромжон Тўраевич**
9. Мудофаа саноатидавлат қўмитаси раиси - **Исмоилов Ойбек Ортиқовиҷ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ РАҲБАРИЯТИ

Ички ишлар вазири

генерал-лейтанант **Бобоҷонов Пўлат Раззоқовиҷ**

Вазирининг биринчи ўринбосари

генерал-майор **Собиров Шухатжон Ўринбаевич**

Ички ишлар вазирининг ўринбосари – полковник **Абдуллаев Бекмурод Тожимирзаевич**
Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғи

**Ички ишлар вазирининг ўринбосари – генерал-майор Икрамов Азизбек
Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар
билин таъминлаш департаменти бошлиғи
Истроилович**

**Ички ишлар вазирининг ўринбосари – полковник Абдулхаков Яхёжон
Тергов департаменти бошлиғи полковник Артиқбоевич**

**Ички ишлар вазирининг ўринбосари –
Транспорт ва туризм объектларида
хавфсизликни таъминлаш департаменти
бошлиғи полковник**

**генерал-майор Мирзараҳимов Баҳодир
Юлдашевич**

**Ички ишлар вазирининг ахборот
технологиялари бўйича ўринбосари**

**полковник Тураходжаев Нажмиддин
Садирович**

Вазир ўринбосари

**полковник Нишанбаев Сайдкарим
Абдухокимович**

Вазир маслаҳатчиси

**генерал-полковник Алматов Зокиржон
Алматович**

Вазир маслаҳатчиси

подполковник Рӯзиев Хуршид Ҳасанович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДЕПАРТАМЕНТИ ХУҶУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИ РАҲБАРИЯТИ

Хизмат бошлиғи

**полковник Бердиалиев Баҳтиёр
Эркинович**
вакант

Хизмат бошлиғининг ўринбосари

**полковник Султанов Азимжон
Абралович**

Хизмат бошлиғининг ўринбосари
**полковник Абдуллаева Умида
Хазратовна**

**подполковник Курбанов Мансур
Норбутаевич**

Таҳлил бўлими бошлиғи

**подполковник Шарипов Жасур Саттор
ўғли**

Ижтимоий профилактика бўлими бошлиғи

**подполковник Наимов Рахимжон
Хафизович**

Маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи

**подполковник Усаров Фарруҳ
Мадаминович**

**Вояга етмаганлар билан ишлашни ташкил
этиш бўлими бошлиғи**

**подполковник Султанов Баҳриддин
Муродович**

**Ёшлар билан ишлашни ташкил этиш
бўлими бошлиғи**

**2-БОБ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ
ХАМДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг “ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОNUНИ

16.09.2016 й. ЎРҚ-407

**Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган,
2017 йил 16 март кунидан кучга кирган.**

Қонун 8-боб, 49-моддадан иборат

- ❖ Конунда Ички ишлар органларининг вазифалари фаолиятининг асосий йўналишлари, фаолиятининг асосий принциплари
- ❖ Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва хукуқлари
- ❖ Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг кўлланилиши
- ❖ Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари
- ❖ Ички ишлар органлари ходимларини хукуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш

ҚОНУННИНГ МАҚСАДИ

- ❖ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солишдан иборат.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

- ❖ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг ҳавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат.

**Ўзбекистон Республикасининг Президентнинг «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори
2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон**

- ✓ Хизматни ўташ тўғрисидаги Низом
- ✓ Интизом устави
- ✓ Пул таъминоти тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

Хизматни ташкил этишни такомиллаштиришнинг қуйидаги **8 та устувор йўналишлари** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобланган:

ҚАРОР ҚИСМИДА

- ИИВ Олий таълим муассасаларини тамомлаган ходим билан мажбурий равища **5 йил ишлаш бўйича шартнома тузиш**.
 - Раҳбарларни **3 йил** ишлаганидан сўнг **ротация** қилиш.
 - Ходимнинг хизмат йили календарь хисобда **20 йилга етганидан сўнг**, ўтаган хизмат йиллари учун **пенсия олиш хуқуқига эга** бўлади.
 - **Ёш ходимларни тарбиялашда юксак маҳорат кўрсатган мураббийларга 20 фоизлик устама тўлаш.**
 - Биритирилган ёш ходимларнинг **таълим-тарбиясига масъулиятсизлик** билан ёндашганида **мураббийлар** эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазога тортилади.
 - Барча ички ишлар органларида **Интизомий кенгашлар ташкил этиш** белгиланди.
 - Хизмат вазифасига **масъулиятсизлик** билан ёндошганларга лавозим маошининг **50 фоизигача бўлган микдорда жарима** қўллаш.
 - Ходимларни I, II ва III даражали “**Ички ишлар органларида бенуқсон хизматлари учун**” **кўкрак нишонлари** билан тақдирлаш.
 - Ходимларни “**ички ишлар органларининг фахрий ходими**” **кўкрак нишони** билан тақдирлаш.
 - **20 йил** хизмат стажига эга бўлган ходимларга лавозим маошининг **40 фоизи** микдорида қўшимча хақ тўланадиган “**Уста**” малака тоифаси берилиши.
 - Ходимларнинг фарзандлари мактабгача таълим муассасаларига, шунингдек ички ишлар органлари тизимидағи мактабгача таълим муассасаларига ва ёзиғи соғломлаштириш оромгоҳларига навбатсиз ва имтиёзли равища жойлаштирилади.

“Хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом”да белгиланган

- Хизматга эркаклар учун **165 сантиметрдан** паст бўлмаган, **аёллар** учун **160 сантиметрдан** паст бўлмаган қабул қилинади (муқаддам 170/165 см).
 - ИИОларида хизматда бўлишнинг чегара ёши:
 - сафдорлар ва сержантлар **50 ёш**
 - аёлларга (мавжуд унвонидан қатъий назар) **50 ёш**
 - офицерлар таркибиغا **55 ёш**
 - генераллар таркибиغا **60 ёш**
 - **Сафдорлик ва сержантлик** лавозимларида хизмат қилаётган ходимларни **хизмат муддатини узайтиришга** рухсат этилди.
 - **Дастлабки танлов** тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - дастлабки сухбат;
 - психологик тест;
 - умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш.
 - якуний танлов номзод билан якка тартибдаги сухбат шаклида ўтказилади.
 - **Капитан** махсус унвонини бериш муддати **2 йил** қилиб белгиланди.
 - **ИИВ олий таълим** муассасаларида ўқиш ва спорт-маданият соҳасида юкори натижаларга эришган, таълим дастурини **аъло баҳоларга** тамомлаган битирувчиларига «**катта лейтенант**» махсус унвони берилиши мумкин.
 - **Профилактика** (катта) инспекторлари, **терговчилар** (катта), ва **тезкор** (катта) вакилларга ўз йўналишларида **15 календарь йилдан ортиқ узлуксиз** иш стажига эга бўлса **подполковник** унвони берилади

- Профилактика (кatta) инспекторлари, терговчилар (кatta, ЎМИБ), ва тезкор вакилларга (кatta, ЎМИБ) ўз йўналишларида **20 календарь йилдан ортиқ узлуксиз иш стажига эга бўлса полковник** увони берилади.

- Лавозимида **вазифа бажарувчиларга** аввалги лавозими бўйича увонини **бериш жорий этилди.**

- ИИОлари ихтиёрида бўлган даври хизмат стажига киритилиши белгиланди.
- Жиноий жавобгарликка тортилган ходимга нисбатан **Суднинг якуний қарори чиқмагунига қадар уни хизматдан бўшатмаслик** белгиланди.
- **Ходимларни ҳар 5 йилда навбатдаги аттестациядан ўтказиш** белгиланган

“Интизом Устави” да белгиланган.

- **Ходимларга** нисбатан қўлланиладиган интизомий **таъсир чоралари:**
 - танбех;
 - хайфсан;
 - қаттиқ ҳайфсан;
 - лавозим маошининг 50 фоизигача бўлган микдорда жарима (муқаддам бўлмаган)
 - махсус увонини бир пофона пасайтириш;
 - эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;
 - гаупваҳтада ҳибса ушлаб туриш;
 - ички ишлар органларидан бўшатиш.
- **Қуйидагилар хизмат интизомини қўпол равишда бузиш сирасига киради:**
 - ходимнинг сабабсиз равишда узлуксиз уч кундан ортиқ муддатда хизмат жойида бўлмаслиги;
 - хизмат жойида спиртли ичимлик, гиёхвандлик воситаси ёки бошқа моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлиш;
 - фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, конуний манфаатларини бузиш.

“Пул таъминоти бўйича тўғрисидаги Низом” да белгиланган

- Ходимларга **хорижий тилни** билганлиги ва хизматда фойдаланганлиги учун **5 фоиздан 20 фоизгача устама** ҳақ тўлаш
 - Тергов, Жиноят қидирув, терроризмга қарши курашиб хизматлари ходимларига:
 - энг кам иш ҳақининг **2 бараваридан 5 бараваригача** бўлган микдорда махсус тоифа разрядлари учун тўлов;
 - энг кам иш ҳақининг **4 бараваридан 10 бараваригача** микдорда **мукофот тўловлар** (шов-шувли жиноят очганлиги учун);
- **Юридик таъминот ва хавфсиз туризмни** таъминлаш хизматлари ходимларига **10 фоизлик** устама;
- Хизмат йилларига фоиз хисобида қўшимча ҳақлар **20 йил** хизматга **30 фоиз**, **25 йилдан ортиқ** хизматга **40 фоиз** устама ҳақ бериш белгиланди
 - -уй-жойга муҳтоҷ ходимларга **яшаш шароитларини яхшилаш** учун энг кам иш ҳақининг **1000 бараваригача** бўлган микдорда **5 йилдан** ошмаган муддатга қарз бериш;
 - -**тўй ва бошқа маросимлар** учун энг кам иш ҳақининг **2 бараваригача, оғир касаллика дучор** бўлган ходимларга энг кам иш ҳақининг **5 бараваригача** бўлган моддий ёрдам бериш.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 30 майдаги 82-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари”

(Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган)

Мазкур қўлланма 9 боб, 62 банддан иборат.

1. Умумий қоидалар
2. Ички ишлар органлари ходимларининг хизматдаги хулқ-атворининг умумий принциплари ва қоидалари
3. Манфаатлар тўқнашуви
4. Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқининг асосий талаблари
5. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий одоб-ахлоқини шакллантириш
6. Ходимларнинг хизмат кийимларини кийиш ва ўзаро муомала маданияти
7. Ходимларнинг фукаролар билан муомала маданияти
8. Ички ишлар органларини ходимларининг инсон хуқуқлари маданиятига риоя этиши
9. Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

56-бандида: Ҳеч бир ички ишлар органлари **ходими қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситишдан** иборат бўлган ҳар қандай **харакатни амалга ошириши**, бунга ундаши мумкин эмаслиги қатъий белгиланган.

Ўз.Р.Конституциясининг 7-боб, 27-моддаси билан кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 4 ноябрдаги 417-сонли буйруғи билан тасдиқланган Хукуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг “Ишонч маркази”

“1259” қисқа рақами- оила-турмуш доирасида жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соглиги, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа хуқуқлари ҳамда эркинликлари тажовуз қиласидаган гайриҳуқуқий ҳаракат (харакатсизликлар)лар тўғрисида хабарга ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган.

“1286” қисқа рақами- хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари, шу жумладан профилактика инспекторлари томонидан процессуал-хукуқий ёрдам ва маслаҳат сўраш учун ташкил этилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жихатидан янги боскичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги
ПФ-6196-сон Фармони**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуий бўгинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳукуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида:

- ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

- ҳудудларда жиноятчилик ахволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокиммилар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоклари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

- «республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

- ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

1. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳукуқ-тартибот масканлари боскичма-боскич ташкил этилсин.

маҳалла ҳукуқ-тартибот масканни ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуий бўгини ҳисобланади;

маҳалла ҳукуқ-тартибот масканни томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимили ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади.

2. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи “Smart маҳалла” ахборот дастури ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

- бир ой муддатда вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидағи ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан «профилактик-оғоҳлантирувчи мурожаат» қилиб бориш амалиётини жорий этилди.

3. Туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

- жойлардаги криминоген ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, туман ва шаҳар ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилмаларини шакллантириш ва мунтазам ўзгартириб бориш тартиби жорий этилсин;

- туман ва шаҳар пробация бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробация ҳисобига олинган шахсларни

кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмлари белгилансин.

- Тошкент шаҳри тажрибасига асосан республиканинг барча ҳудудларидаги ички ишлар бўйимлари (бўлинмалари)ни ва айрим тузилмаларининг раҳбарлик лавозимларини мақбуллаштириш ҳамда бўшайдиган штат бирликларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига йўналтириш чораларини кўрсин;

4. Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

а) қуидагилар ташкил этилсин:

Жиноят қидирав бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга карши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирав ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирав департаменти;

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти;

Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасини ўз ичига оладиган Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти;

Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти.

Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари ташкил этилаётган тегишли департаментларнинг бевосита раҳбарлари ҳисобланади.

б) Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (кейинги ўринларда — Жазони ижро этиш департаменти) этиб қайта ташкил этилди.

в) Ҳуқуқий статистика ва тезкор-хисоб маълумотлар маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларини Ички ишлар вазирлигига (кейинги ўринларда — Ҳуқуқий статистика маркази) ташкил этиш ҳамда қуидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш:

жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар статистикасини юритиш, жиноятчилик ҳолатини, шу жумладан ҳудудлар ва ҳуқуқбузарликлар турлари кесимида статистик таҳлилни амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишда фойдаланиш учун тезкор-маълумотлар ҳисоблари, ички ишлар органларининг архив-маълумотлари ва махсус фонdlарини юритиш, шунингдек, шахсларнинг қидирувини эълон қилиш жараёнини таъминлаш;

б) Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказини (кейинги ўринларда — Илмий-амалий тадқиқотлар маркази) ташкил этиш

Илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан ишлаб чиқиладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифларни амалиётга жорий этиш ички ишлар органлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5050-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофик, шунингдек, жамоат хавфсизлигини

таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида:

- туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда маҳалла хуқук-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспектори билан шахсан учрашиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўради;

- ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар ярим йилда маҳалла хуқук-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспекторининг ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ахволи бўйича ҳисоботини эшитади ва зарур чораларни белгилайди.

1. профилактика инспекторлари томонидан ҳар бир оила ва хонадондаги мухитни, шунингдек, хукуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизимини йўлга қўйиш;

2. профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий хукуқбузарликлар бўйича иш юритувни тўлиқ электрон шаклга ўтказсин ва профилактика инспекторларининг суд мажлисларида «масофавий» тарзда қатнашиш амалиётини жорий этиш.

2. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

- янги бошқарув тизими Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ушбу ҳудудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг мавжуд куч ва воситаларини ягона «пойтахт минтақаси» тамоили жорий этилиши.

3. ички ишлар органлари фаолиятига рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш бўйича:

- ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг электрон маълумотлар базаларини ягона платформа негизида бирлаштириш асосида «E-ichki ishlar organlari» марказлашган ахборот тизимини яратиш;

- ички ишлар органларининг барча ахборот тизимларини интеграция қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг Маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш.

4. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясида асосан, ички ишлар органлари ходимларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ишлари «Ватанга ва ҳалққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз!» концептуал гояси асосида ташкиллаштириш.

ички ишлар органларининг ходимларида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини мухофаза қилиш каби олий масъулият туйгусини шакллантириш мақсадида ҳар бир ҳудудий ички ишлар органларида «ватанпарварлик бурчаги» ташкил этилиш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жихатидан янги тизимни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги
ПҚ-5076-сон Қарори**

Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

1. 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлигининг Академиясида (кейинги ўринларда — Академия) кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратурани ўз ичига оловчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди.

- Академиядаги таълим тизими кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилади ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш;

- Академиянинг бакалавриат дастури бўйича ўқитиш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида ташкил этиш ва ўқишга қабул қилиш ички ишлар вазирининг ўринbosари раислигига якка тартиbdаги сухбат орқали амалга ошириш;

- магистратура дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича ўқиш муддати бир йилни ташкил этади ва битиравчиларга олий таълимнинг иккинчи босқичини тамомлаганлигини тасдиқловчи диплом берилади;

Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг муқаддам фаолият кўрсатган магистратураси, олий академик курслари ва раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети (олий курслари)ни тамомлаганлик хизматни ўташ масалаларида мазкур қарор билан жорий этилаётган иккинчи даражадаги магистратурага тенглаштириш.

2. Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти:

- касбий тайёргарлик факультетида (кейинги ўринларда — касбий тайёргарлик факультети) беш ойлик дастур бўйича ички ишлар органларининг сержант таркибидаги лавозимлариға номзодларни маҳсус касбий тайёрлаш амалга оширади;

- касбий тайёргарлик факультетини тамомланган ходимларга «кичик сержант» маҳсус унвони ҳамда белгиланган намунаидаги диплом берилади.

6. Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибиға қўйидагиларни назарда тутувчи узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими жорий этилди;

- ички ишлар органлари раҳбар таркибининг тегишли лавозимлариға тайинланиш учун Академия магистратурасида ўқиш шартлиги;

- ходимларга маҳсус унвонлар берилишининг ҳамда сафдор ва сержантлар таркибидаги ходимлар офицерлик лавозимлариға тайинланишининг асосий талабларидан бири сифатида уларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши зарурлиги.

Академияда тўлов-контракт асосида ўқитиш ставкалари ҳар йили ички ишлар вазири томонидан белгиланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профиссионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5077-сон Қарори

Мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илгор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ташкил этилади.

Университет қўйидаги соҳалар учун малакали ходимларни тайёрлайди:

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия учун — жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг тегишинча жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишларида;

Қуролли Кучлар ва бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органлар учун — ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва иқтисодиёт ҳамда муҳандислик-техник, тарбиявий-психологик ва қўймондонлик-тактиқ фаолият соҳасида;

ўз қўриқлаш тузилмалариға эга бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари учун — қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасининг барча йўналишларида.

2. Университетда профессионал кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди.

3. Университет магистратурасини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом ҳарбий хизмат (хизмат)ни ўташда Қуролли Кучлар Академиясининг икки йиллик магистратура дастурини, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг иккинчи даражадаги магистратурасини, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳарбий академияларини тамомлаганлик тўғрисидаги дипломларга тенглаштирилади;

4. Университетнинг сиртқи таълим шаклига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати томонидан ҳар йили белгиланадиган қўшимча квота бўйича бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларда камида уч йиллик ҳарбий хизмат (хизмат) стажига эга бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин.

5. Университетнинг хизматчилар хисобланган бошқарув, илмий ва профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларига тегишинча Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 164-сон ва 2009 йил 18 августдаги «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 233-сон қарорлари билан белгиланган меҳнаттага ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим йўналишлари
(мутахассисликлари)**

РЎЙХАТИ*

| Т/р | Йўналиш (мутахассислик) номи | Бериладиган малака | Таълим шакли | Таълим муддати |
|-------------------------|---|---------------------------|--------------|----------------|
| I. Бакалавриат | | | | |
| 1. | Тергов фаолияти | юрист | кундузги | 3 йил |
| 2. | Тезкор-қидирув фаолияти | юрист | кундузги | 3 йил |
| 3. | Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти | юрист | кундузги | 3 йил |
| 4. | Эксперт-криминалистика фаолияти | юрист | кундузги | 3 йил |
| 5. | Жиноий жазоларни ижро этиш | юрист | кундузги | 3 йил |
| 6. | Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш | юрист-психолог | кундузги | 3 йил |
| 7. | Ташкилий-штаб фаолияти | юрист | кундузги | 3 йил |
| 8. | Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фош этиш фаолияти | юрист | сиртқи | 4 йил/3 йил** |
| II. Магистратура | | | | |
| 9. | Ташкилий-тактик бошқарув | II даражали магистр-юрист | кундузги | 1 йил |
| 10. | Ташкилий-стратегик бошқарув | I даражали магистр-юрист | кундузги | 1 йил |

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетидаги таълим мутахассисликлари

РЎЙХАТИ

| Т/р | Мутахассислик номи | Бериладиган малака | Таълим шакли | Таълим муддати |
|------------|---|---------------------------|---------------------|-----------------------|
| 1. | Йўл-патруль фаолияти | мутахассис | кундузги | 5 ой |
| 2. | Паспорт тизимини таъминлаш | мутахассис | кундузги | 5 ой |
| 3. | Патруль-пост фаолияти | мутахассис | кундузги | 5 ой |
| 4. | Жазоларни ижро этиш фаолияти | мутахассис | кундузги | 5 ой |
| 5. | Тарбиявий фаолият | мутахассис | кундузги | 5 ой |
| 6. | Махсус операцияларни амалга ошириш фаолияти | мутахассис | кундузги | 5 ой |
| 7. | Маъмурӣ-хўжалик таъминоти | мутахассис | кундузги | 5 ой |

Ички ишлар органларидағи үзлуксиз ўқув-карьера жараёни

ТИЗИМИ

| Үқитиш | | | Карьера | | |
|-------------------|-------------------------|--------------------|-------------------|--------------------|--------------------|
| Таълим муассасаси | Үқитиш шакли ва муддати | Бериладиган малака | Тайёрлаш даражаси | Үқитиш мақсади | |
| | | | | Махсус унвон бериш | Лавозимга тайинлаш |

САФДОРЛАР ТАРКИБИ

| | | | | | |
|-----------------------------|--|---|------------------------|-----------|------------------------|
| ИИВ Малака ошириш институти | бошланғич тайёргарликнинг кундузги ва сайёр курслари (3 ойгача) | - | ички ишлар органлари | - | ходим |
| | офицерлик лавозимларига тайинлаш учун кундузги қайта тайёрлаш курслари * (1 ойгача) | - | маҳалла, туман (шаҳар) | лейтенант | ходим, гурӯҳ командири |

СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИ

| | | | | | |
|-----------------------------|---------------------------|--|------------------------|---------------|------------------------|
| ИИВ Малака ошириш институти | маҳсус касбий тайёргарлик | мутахассис (маҳсус касбий тайёргарлик) | маҳалла, туман (шаҳар) | кичик сержант | ходим, гурӯҳ командири |
|-----------------------------|---------------------------|--|------------------------|---------------|------------------------|

| | | | | | |
|--|---|--|------------------------------|------------------|--|
| | курсларидаги күндузги таълим (5 ой) | | | | |
| ИИВ Малака ошириш институти/Махс ус тайёргарлик ўқув маркази | офицерлик лавозимларига тайнинлаш учун күндузги қайта тайёрлаш курслари* (1 ойгача) | - | маҳалла, туман (шаҳар) | лейтенант | ходим, гурӯҳ командири |
| | күндузги ва сайёр малака ошириш курслари (3 ҳафтагача) | - | | катта сержант | - |
| ОФИЦЕРЛАР ТАРКИБИ | | | | | |
| ИИВ Малака ошириш институти | бошланғич тайёргарликнинг күндузги ва сайёр курслари** (3 ойгача) | - | ички ишлар органлари | лейтенант | ходим |
| | күндузги ва сайёр қайта тайёрлаш курслари *** (3 ҳафтагача) | мутахассислик ни ўзлаштирганли к ҳақидаги сертификат | тегишли мутахассисл ик | - | бошқа мутахассислик бўйича ходим |
| ИИВ Академияси | күндузги таълим (3 йил) сиртқи таълим (3-4 йил) | бакалавр (юрист) | маҳалла, туман (шаҳар) | лейтенант | ходим |
| ИИВ Малака ошириш институти/Махс ус тайёргарлик ўқув маркази | масофавий ва сайёр малака ошириш курслари (10 кунгача) | - | | капитан | - |
| | күндузги ва сайёр малака ошириш курслари (3 ҳафтагача) | - | | майор | - |
| ИИВ Малака ошириш институти | күндузги ва сайёр малака ошириш курслари | - | | - | Барча даражадаги бўлим |

| | | | | | |
|--|--|---|--|-----------------------------|--|
| | (3 ҳафтагача) | | | | бошлиқлари, туман (шаҳар, тармоқ) ИИО бошлиғининг ўринбосари |
| ИИВ Академияси | II даражали кундузги магистратура (1 йил) | II даражали магистр («ташқилий- тактиқ бошқарув») | туман (шаҳар, тармоқ), вилоят | подполковни к, полковник | туман (шаҳар, тармоқ) ИИО бошлиғи, барча даражадаги бошқарма бошлиқлари** ** |
| ИИВ Малака ошириш институти/Махс ус тайёргарлик ўқув маркази | кундузги ва сайёр малака ошириш курслари (1 ойгача) | - | - | подполковни к | - |
| ИИВ Академияси | Ихтисослаштирилг ан кафедрада 1 йилдан ортиқ педагогик фаолият | - | - | подполковни к | - |
| ИИВ Академияси | I даражали кундузги магистратура (1 йил) | I даражали магистр («ташқилий- стратегик бошқарув») | вилоят, республика | полковник | Қорақалпоғист он Республикаси ички ишлар вазири, вилоят даражасидаги бош бошқарма (бошқарма) бошлиғи ва унинг ўринбосарлари , ИИВ бош бошқармаси (департамент, хизмат) бошлиғи***** |
| ИИВ Академияси | докторантурा | фалсафа доктори, фан номзоди, фан доктори | тегишли иљмий соҳа | полковник | ўқув-услубий бошқармаси, кафедра, факультет бошлиқлари, профессор, доцент |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тұғрисидаги ПФ-27-сонлы Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга құтариш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йұналишларини белгилаш мақсадида:

Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илгор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилған ҳамда ахолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли химоя қилишга қаратылған:

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси 1-иловага мувофиқ;

2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси 2-иловага мувофиқ;

2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясini 2022 йилда амалга ошириш бүйіча «йўл харитаси» 3-иловага мувофиқ тасдиқланди.

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказиши ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилди.

Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида ахолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик хисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ходисаларининг барвакт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш.

Ички ишлар органлари профилактика ва пробация инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсан ва самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизимини жорий этсин.

2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар ички ишлар органлари, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ички ишлар органлари профилактика катта инспектори лавозимларига факат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланади;

профилактика инспекторлари учун Ички ишлар вазирлиги Академияси сиртки таълимига қабул қилинадиган ходимлар умумий сонининг камидаги йигирма беш фоизи миқдорида қабул квотаси ажратилади;

2022/2023 ўкув йилидан бошлаб, фаолиятида юқори натижаларга эришган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар органларидан иккитадан, қолган ҳудудий ички ишлар органларидан биттадан профилактика инспектори Департамент бошлиги тақдимномасига асосан Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сиртки таълимига имтиҳонларсиз қабул қилинади хамда бепул ўқитилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги
ПФ-27-сон Фармонига 4-ИЛОВА**

Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар

1. Бириктирилган маҳалла (кишлоқ, овул) ҳудудида ваколатли давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолияти натижаларини умумлаштириш ва ягона ахборот-таҳлил тизимиға киритилишини таъминлаш.
2. Бириктирилган маҳалла (кишлоқ, овул) ҳудудидаги криминоген вазиятни мунтазам равишда ўрганиб бориш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга бархам бериш бўйича конунчиликда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш.
3. Бириктирилган маҳалла (кишлоқ, овул) ҳудудида аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш.
4. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни белгиланган тартибда профилактик ҳисобга ва маъмурий назоратга олиш, улар билан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий мослаштириш ишларини индивидуал дастур тузган холда ташкил этиш.
5. Ёшлар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
6. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларга кўмаклашиш.
7. Вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш.
8. Тазиيқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш ва ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш.
9. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.
10. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш.

11. Ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида ҳар бир оилани бевосита жойида ўрганган ҳолда, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигига оид ва хукуқбузарликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган муаммолари ва норозиликларини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш.

12. Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида паспорт режими қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

13. Тажовузкор руҳий касаллар, спиртли ичимликка ружу қўйғанлар ўртасида хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат соглиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соглиқни сақлаш муассасаларига кўмаклашиш.

14. Пробация назоратидагиларнинг хулқ-атворини назорат қилишда, ўрнатилган чекловларга риоя этишини текширишда, шунингдек, янги жиноят содир этишининг олдини олишда пробация инспекторларига кўмаклашиш.

15. Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида жамоат тартибини сақлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гурухлари фаолиятини ташкил этиш. Фуқароларни, уларнинг розилиги билан, хукуқбузарликлар профилактикаси чораларини амалга оширишда кўмаклашишга жалб этиш.

16. Давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шартшароитларни бартараф қилиш ҳамда маҳалладаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этмаганлик юзасидан тақдимномалар киритиш.

17. Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дориларини сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга кўмаклашиш.

18. Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида тақиқланган ташкилотлар ҳамда террорчилик, экстремистик ва бошқа гайриқонуний ва бузгунчилик йўналишидаги гурухлар фаолиятига алоқадор шахсларни аниқлашга кўмаклашиш.

19. ОИВ/ОИТСнинг тарқалишини барвакт олдини олиш, ахлоқсизлик билан bogлиқ хукуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда фохишахоналарнинг сақланишига чек қўйишга кўмаклашиш.

20. Доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарк этган шахсларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб бориш, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш.

21. Жиноятларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларни кидириш, шунингдек, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш бўйича тезкор-кидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш.

22. Шахсни мажбурий келтириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримини белгиланган тартибда ижро этиш.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: профилактика инспекторларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан bogлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралашиш тақиқланади;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ

Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-118 Қарори

1. Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши қурашиш тизимида, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни мустахкамлаш борасида ички ишлар органларининг бекиёс хизмати алоҳида таъкидлаб ўтилсин.

2. Ички ишлар органлари ходимлари ҳаёти ва соглигини сақлашга қаратилган чораларни кучайтириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) йигирма йил ва ундан кўп календарь йил хизмат қилган ходимлар йил давомида ички ишлар органларининг тиббий муассасаларида стационар шароитда даволанмаган тақдирда, уларга Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан даволаниш учун йилнинг якуни буйича меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4 баравари миқдорида бир марталик пул компенсацияси тўланади;

б) ички ишлар органларидан хизматдан бўшатилган (ички ишлар органларидан салбий сабабларга кўра бўшатилган ҳоллар бундан мустасно) пайтдан бошлаб 36 ой давомида собиқ ходим (пенсионер)нинг ички ишлар органларидаги хизмат вазифаларини бажарганлиги билан bogлиq сабабларга кўра ҳаёти ва соглигига заар етказилган тақдирда, унга Давлат бюджети маблаглари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан куйидаги миқдорларда бир марталик пул компенсация тўланади.

вафот этган тақдирда — унинг оила аъзоларига базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваригача бўлган миқдорда;

ўртacha оғир ёки оғир тан жароҳати етказилган тақдирда — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача бўлган миқдорда.

3. Хизматда самарали натижаларга эришган ходимларни уй-жой билан таъминлаш тизимини янада яхшилаш масаласида белгилансинки:

а) ҳар йили, ички ишлар органларида беш йилдан ортиқ хизмат қилган, хизматда самарали натижаларга эришган ва уй-жой билан таъминланмаган 500 нафар ходимга ипотека кредитлари асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 25 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараваридан ошмайдиган дастлабки бадал пули Давлат бюджети маблагларн ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлаб берилади.

Ходим дастлабки бадал пулини олган вақтдан бошлаб 10 йиллик муддат даврида ички ишлар органларидаги хизматдан салбий сабабларга кўра бўшатилган тақдирда, берилган дастлабки бадал пули у томонидан давлатга қайтарилади;

б) ходим терроризм, жиноятчиликка қарши қурашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чогида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб, меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда, унинг номига расмийлаштирилган ипотека кредитларининг тўланмай қолган қисми ва ҳисоблангаи фоизлари Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади.

Маҳалла ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардиясининг 2018 йил 30 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Электрон жиноий-хукукий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-иловасида кўрсатилган.

Мазкур тоифа жиноятлар Жиноят кодексининг **97, 98, 99, 103, 104, 105, 106, 109, 110, 112, 115, 118, 119, 122, 123 125, 126, 128, 129, 132, 134, 136 137, 138, 139, 140, 141, 141¹, 142 164, 165, 166, 169, 170, 173, 215 217, 219, 225, 229, 244, 245, 249, 263, 263¹, 267, 269, 277**-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан иборат.

Маҳалланинг криминоген вазиятидан келиб чиқиб тоифалашнинг мезонлари

Республиканинг барча маҳаллалари ҳар ой якуни бўйича ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган ҳисобот даврида содир этилган жиноятлар таҳлилидан келиб чиқиб, “**қизил**”, “**сарик**” ва “**яшил**” тоифаларга ажратилади.

Ҳисобот даврида содир этилган маҳалла ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар маҳаллалар кесимида ҳисобланиб, туман кўрсаткичи минг аҳолига нисбатан шакллантирилади.

6. “**Яшил**” тоифа маҳаллани белгилашда ҳисобот даврида маҳалла ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган жиноят содир этилмаган бўлиши мезон сифатида каралади.

7. “**Сарик**” тоифа маҳаллани белгилашда ҳар бир маҳаллада содир этилган жиноятлар туман кўрсаткичи билан солиширилиб, ҳисобот даврида содир этилган маҳалла жиноятлари туман кўрсаткичига тенг ёки ундан паст бўлиши мезон сифатида каралади.

8. “**Қизил**” тоифа маҳаллани белгилашда қуйидаги мезонларнинг биттаси мавжуд бўлганда:

ҳар бир маҳаллада содир этилган жиноятлар туман кўрсаткичи билан солиширилганда ҳисобот даврида содир этилган маҳалла жиноятлари туман кўрсаткичига нисбатан юқори бўлган;

Маҳаллаларнинг тоифага ажратилиши қуйидаги асосда ҳисобланади:

Т- туман аҳолиси сони, **Ж**-туманда содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноят сони, **ЖС**- жиноят салмоги.

$$Ж*1000/T=ЖС$$

М-маҳалла аҳолиси, **Ж**-маҳаллада содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноят сони, **ЖС**-жиноят салмоги

$$Ж*1000/M=ЖС$$

ТЖС-туманда жиноят салмоги, **МЖС**-маҳаллада жиноят салмоги

Бундан агар **МЖС** кўрсаткиси **ТЖС** кўрсаткичи билан барқарор ёки паст бўлса, мазкур маҳалла «**сарик**» тоифага, аксинча **МЖС** кўрсаткиси **ТЖС** кўрсаткичидан юқори бўлса «**қизил**» тоифадаги маҳалла ҳисобланади.

ҳар бир маҳаллада алоҳида тоифадаги шахслар, яъни вояга етмаган шахс, аёл, ишсиз шахс, илгари судланган шахс, маст шахс, профилактик ҳисобда турган шахс, маъмурий назорат остида турган шахслар томонидан жиноят содир этиш кўрсаткичи минг аҳоли сонига нисбатан туман кўрсаткичи билан солиширилганда, ҳисобот даврида маҳаллада ушбу тоифадаги барча шахслар томонидан жиноят содир этилиши туман кўрсаткичига нисбатан юқори бўлганда.

**Профилактика инспекторлари томонидан Ўзбекистон Республикаси
МЖтКнинг 248-моддаси 4-қисмига асосан ваколат доирасида кўриб чиқиладиган
маъмурӣ хуқуқбузарликлар.**

| Т/Р | МЖтКнинг моддалари | Моддаларнинг санкциясида кўрсатиб ўтилган жарима миқдори |
|------------|--|---|
| 1 | 47-модда. (биринчи қисми) болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик | базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади |
| 2 | 47³-модда. Никох ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш | 1-қисми бўйича: базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. 2-қисми бўйича: базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. 3-қисми бўйича: базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. |
| 3 | 54-модда. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш | 1-қисми бўйича: базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда; 2-қисми бўйича: фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. |
| 4 | 56¹-модда. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол килиш | энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорда |
| 5 | 110-модда. (биринчи қисми фуқароларга нисбатан) Ит ва мушук боқиши қоидаларини бузиш. | фуқароларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан иккidan бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. |
| 6 | 111-модда. (биринчи қисми) Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш | базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. |
| 7 | 113-модда. Темир йўл транспортида харакат хавфсизлиги қоидаларини бузиш | 1-қисми бўйича: энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмидан бир бараваригача миқдорда; 2-қисми бўйича: энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккidan бир қисмигача миқдорда; 4-қисми бўйича: энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида; 5-қисми бўйича: энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда |
| 8 | 114-модда. Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш | 1-қисми бўйича: базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. |

| | | |
|----|--|--|
| | | 2-қисми бўйича: базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. |
| 9 | 122-модда. Тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш | 1-қисми бўйича: энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорда; 2-қисми бўйича: энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида |
| 10 | 123-модда. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш | энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда |
| 11 | 127-модда. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа курилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш | (мақсадсиз овозли сигнал беришга доир қисмida) энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорда |
| 12 | 128⁶-модда. Транспорт воситалари хайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши | базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. |
| 13 | 147-модда. (биринчи қисми) Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл харакатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш | фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса — ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. |
| 14 | 148-модда. Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш | фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўртдан бир қисмидан иккidan бир қисмigaча, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. |
| 15 | 161-модда. Шахарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш | (фуқароларга нисбатан) энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача |
| 16 | 187-модда 1-қисми. Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш | Базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисми миқдорда |
| 17 | 188-модда. Вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-харакатларга жалб қилиш | базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. |
| 18 | 188²-модда. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл кўйиш | базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. |
| 19 | 192-модда. Маиший шовқинга карши кураш талабларини бузиш | 1-қисми бўйича: фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга |

| | | |
|----|--|--|
| | | эса — учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда; Худди шундай хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, - фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда |
| 20 | 221-модда. Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни хисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш | энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда |
| 21 | 223-модда 1-қисми. Паспорт тизими қоидаларини бузиш | энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда |
| 22 | 223¹-модда. Паспортдан гайриқонуний фойдаланиш. | энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорда |
| 23 | 223³-модда. Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равища олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш | mansabdar shahslargara eng kam ish haqinining un baravariidan un besh baravariiga mikkorda |
| 24 | 224-модда 1-қисми. Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш | энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда |

Ярашганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш (МЖТКнинг 21²-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40-моддасида (туҳмат), 41-моддасида (ҳакорат қилиш), 45-моддасида (фуқароларнинг туар жойи дахлсизлигини бузиш), 46 моддасида (фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш), 46¹-моддасида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 52-моддасида (енгил тан жароҳати етказиши), 61²-моддасида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиши), 104-моддасида (экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиши), 133-моддасида (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши), 134-моддасида (ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши), 183-моддасида (майда безорилик) ҳамда 200-моддасида (ўзбошимчалик) назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликларни содир этган шахс, агар у ўз айбига икрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

“ТЕМИР ДАФТАР”га киритилган шахслар билан ишлаш тартиби

«Темир дафтар»ни юритиш бўйича вақтинган тартибга кўра, ёрдамга мухтоҷ бўлган (камбағал) фуқаролар аниқланиб, «Темир дафтар»га киритилгач, улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилади.

«Темир дафтар»ни юритишида эҳтиёжманд оиласаларнинг 6 тоифаси, жумладан:

- Оиласида меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар ва сурункали касалликка чалинганлар бўлганлар;

- якка-ёлгиз кексалар,

- бевалар ва ўзгалар қарамогига мухтоҷлар, 5 ва ундан ортиқ фарзанди бор оиласалар,

- карантин чоралари натижасида даромад манбайнин йўқотганлар,

- ҳақиқатда эҳтиёжмандлар, ночор ва моддий кўмакка мухтоҷлар,

- ишсиз фуқаролар;

Рўйхатда бўлган даврида фуқарога озиқ-овқат, дори-дармон, зарур бўлганда нақд пул шаклида ёрдам кўрсатиб борилади.

“Темир дафтар”дан чиқариш тартиби

Меҳнатга лаёқатли бўлган фуқаролар ишга жойлаштирилиб бандлиги таъминланади ёки ўз-ўзини банд қилиш орқали уларнинг даромадини оширишга эришилади.

Шундан сўнг фуқаронинг аризаси ва ишчи гурухнинг тавсияси асосида бу фуқарони рўйхатдан чиқариш халқ депутатлари туман/шаҳар кенгаши қарори асосида ҳал қилинади.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”га киритилган шахслар билан ишлаш тартиби

“Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равища ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

“Ёшлар дафтари”ни қуйидаги тоифалардан шакллантириш;

1) ижтимоий ҳимояга мухтоҷ ёшлар; (*муомалага ва меҳнатга лаёқатсиз, ногиронлиги ёки саломатлигига нуқсони бўлган (нафақа олмайдиган), бокӯвчисини йўқотган ва етим бўлган ижтимоий ёрдамга мухтоҷс, шунингдек, муқаддам судланган ёки пробация ҳисобида турувчи шахслар;*)

2) иқтисодий қўллаб-қувватлашга мухтоҷ ёшлар; (*Шахсий ташаббусларига эга, маълум бир даражадаги касбий қўниқмалари ва билимга эга бўлган, лекин молиявий имкониятлари чекланган шахслар (эгалигига мол-мулк бўлган шахслар бундан мустасно)*)

3) психолого-психиатрический қўллаб-қувватлашга мухтоҷ ёшлар; (*жасамиятда ўз ўрнини топишга қийналаётган, турли хил муаммо ёки тушқунлик қайфиятида бўлган (суицид содир этишига ҳаракат қилган ва ҳ.к), ижтимоий реабилитацияга мухтоҷ шахслар;*)

4) ишсиз ёшлар (*ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирадиган машгулотга эга бўлмаган (ҳарбий хизматни утаган, таълим муассасаларини тугатган, меҳнат миграциясидан қайтган ва ҳ.к), иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишига тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашидан, қайта тайёрлашидан ўтишига, малакасини оширишига тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар*)

➤ “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишлари.

- 1) “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни касб-хунарва тадбиркорлик қўнималарига ўқитиш;
- 2) “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг бандлигини таъминлаш;
- 3) “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш;
- 4) “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш;
- 5) Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларнинг “Ёшлар дафтари”га киритилган фарзандларининг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш йиллик харажатларини тўлаб бериш;
- 6) “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тиббий, хуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш.

➤ “Ёшлар дафтари”дан чиқариш тартиби

- 1) бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда; моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда;
- 2) тўлов-контракт асосида ўқиш йиллик харажатлари белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- 3) малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;
- 4) тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- 5) Ўз аризасига кўра;
- 6) “Ёшлар дафтари”га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;
- 7) бошқа давлатга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- 8) суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи хукми қонуний кучга кирганда;
- 9) хизматлар кўрсатиш бўйича иш олиб бориш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганда;
- 10) шахс вафот этган тақдирда.

Ёшларни “Ёшлар дафтари”дан чиқариш ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”га киритилган шахслар билан ишлаш тартиби

1. «Аёллар дафтари»га 30 ёшдан ошган қўйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

- ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ишсиз хотин - қизлар
- Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар
- Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар
- Ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар
- Уй-жойга муҳтоҷ эҳтиёжманд хотин-қизлар
- Қарамогида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар;

2. «Аёллар дафтари»га киритилган хотинқизларнинг муаммоларини ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб – қувватлашнинг йўналишлари:

- бандлигини таъминлаш;

- томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш;
- тадбиркорликка жалб қилиш;
- моддий ёрдам кўрсатиш;
- турар жой ижара компенсациясини тўлаш;
- тиббий хизмат кўрсатиш;
- ҳукуқий ёрдам кўрсатиш;
- психологик ёрдам кўрсатиш.

3. Шунингдек, хотин-қизлар қўйидаги ҳолларда «Аёллар дафтари»дан чиқарилади:

- бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда;
- турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;
- ўз аризасига кўра;
- «Аёллар дафтари»га ноконуний киритиш ҳолати аниқланганда;
- бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- хизматлар кўрсатиш бўйича иш олиб бориш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганда;
- шахс вафот этганда.
- «Аёллар дафтари»га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган хотинқизларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилганда.

Жиноят Кодексидан қўчирма.

241¹-модда. Жиноятни ҳисобга олишдан қасдан яшириш.

Жиноятлар тўгрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки қўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасдан яширишидир.

Профилактика инспекторига ҳам ариза ва хабарларни қабул қилиш вазифаси юқлатилган.

Жиноятни яшириш жинояти учун Жиноят кодексида уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо белгиланган.

Жиноятни яшириш жинояти,

- а) такроран содир этилган бўлса;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;
- в) оғир оқибатларга сабаб бўлса,

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

210-модда. Пора олиш.

Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлишидир.

Таъмагирлик йўли билан пора олганда беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг хуқукларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп микдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса.

209-модда. Мансаб соҳтакорлиги.

Мансаб соҳтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг гаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг хуқукларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса.

205-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш.

Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг хуқукларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп микдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса,

211-модда. Пора бериш

Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабр кунидаги
“Коррупцияга оид хукуқбузарлик хақида хабар берган ёки коррупцияга қарши
курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 829-сонли қарори.**

Коррупцияга оид хукуқбузарлик хақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар қуйидаги микдордаги бир марталик пул мукофоти билан рагбатлантирилади:

а) коррупцияга оид маъмурий хукуқбузарлик хақида берилган хабар учун — базавий ҳисоблаш микдорининг уч баравари микдорида;

б) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг ўттиз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида;

оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

в) пора суммаси ёки етказилган зарап ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун-базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида;

г) пора суммаси ёки етказилган зарап ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан кўп бўлса, қуидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

анча миқдор учун — пора суммаси ёки етказилган зарап ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн беш фоизи миқдорида;

кўп ёки жуда кўп миқдор учун — пора суммаси ёки етказилган зарап ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн фоизи миқдорида.

Бунда пора суммаси ёки етказилган зарап ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматини фоизларда ҳисоблашда қонун хужжатларида белгиланган миқдорининг энг кам миқоридан келиб чиқиласди;

д) қидиувда бўлган шахснинг яширинган жойи ҳақида хабар берганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, икки ёки ундан ортиқ қидиувда бўлган шахсларнинг яширинган жойи ҳақида бир вақтда хабар берганлиги учун эса — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида.

БУЮК СИЙМОЛАР

Буюк давлат арбоби, соҳибқирон

Амир Темур (1336-1405)



Амир Темур - ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият хомийси - 1336 йил 7 апрелда Кеш (хозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хожа Илгор қишлоғи (хозирги Яккабог тумани)да туғилди. Унинг тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарагой ибн Амир Барқул. Амир Темурнинг онаси Такина хотун бухоролик. Отаси амир Тарагой эса барлос уругининг оқсоқолларидан ҳамда Чигатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган. 1370 йилда барча Маварауннаҳр амир ва бекаларини бўйсундириб, марказлашган давлатга асос солди. Амир

Темурнинг ҳарбий юришлари, тарихда “уч йиллик”, “беш йиллик” ва “етти йиллик” юришлар номи билан кирган. Амир Темурнинг фаолияти, қўшинни қай тарзда бошқарганлиги, давлатни бошқаришда кимларга суюнганлиги, қайси табакани кўллашга ҳаракат қилганлиги, интизом масалалари барчаси “Темур тузуклари” асарида келтирилган. Бу асар нафақат ўша давр учун балки ҳозирги бутун жаҳон мамлакатлари давлат раҳбарлари

учун ҳам мукаммал қўлланмадир. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида жаҳондаги Амир Темургача ўтган машхур саркардалар ҳаёти, уларни қилган ҳарбий юришлар, Амир Темурнинг туғилишдан тортиб, то ўлгунига қадар қилган ишлари, ҳарбий юришлари, давлатларни босиб олишдаги қўллаган тактикалари, юрт ободончилиги йўлида қилган бунёдкорликлари тасвирланган бўлса, асарнинг иккинчи қисмида эса Ўгилларига васият ва панд-насиҳатлари келтирилган. Шундан бири “мамлакат ишларини тўққизини кенгаш ва машваратда, қолган бир улушкини қилич билан амалга оширдим” деб айтган пур маъно сўзлари барчамизни ҳайратлантиради.

Жалолиддин Мангуберди

(1199-1231)



Жалолиддин Мангуберди (1199—1231), Муҳаммад Хоразмшохнинг ўғли Жалолиддин Мекбурни (ёки Мангуберди) номини олиб, “юзида холи бор” маъносини англатади. Ўнинг ўсмирик йиллари Чингизхон босқини арафасига тўгри келади.

Мўгуллар босқини арафасида Жалолиддин отасидан кўшинини Сирдарёга кўйиб, душманни ўша ерда кутиб олишини сўрайди, лекин отаси химоя деворлари ва қалъаси душманни мамлакатга қўймаслигига амин бўлади ва қўшинни тўпламасликка қарор қиласди. Мўгуллар шаҳарни шиддат билан босиб олади. Аввалига, 1220 йил Бухоро, кейин Самарқанд ўраб олинади. Жиддий хасталанган Муҳаммад Каспийга қочади. Учта ўглини тўплайди, Жалолиддинни таҳт вориси этиб тайинлади. 1221 йилда Валиён даштида бўлган жангда Шикухту исмли мўгул сардори бошлилигидаги катта 45 минг кишилик армияни тормор қиласди. Аммо жангда қўлга киритган ўлжаларни тақсимлашда саркардалари ўртасида ихтилоф чиқиб, қўшин учга бўлиниб кетади. Шу сабабли Парвон даштида бўлган жангда Жалолиддин енгилди, қўшинидан ажраб Сирдарёга сакраган. Лекин кўплаб тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Чингизхоннинг Ғарбга ўтиши даврида Парвонадаги мўгул жангчиларининг тор-мор этилиши уларнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистондаги жанглари ичida ягона йирик маглубияти сифатида айтилади. (кўп қўшин йўқотганлиги учун)

Жалолиддин Мангуберди жуда кучсизланган бўлишига қарамасдан гоҳ Эрон худудида, гоҳ Кавказ худудида майда- майда жангларга кириб қаршилик кўрсатиб келади. 1231 йилда Озорбайжонда фитна курбони бўлади.

1999 йили мамлакатимизда Жалолиддин таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланган. Хоразм вилоятида Жалолиддин Мангубердига багишланган мемориал мажмуа қурилган. 1999 йил Жалолиддиннинг 800-йиллик юбилейига багишланган 25 сўмлик юбилей тангалар муомалага киритилган. 2000 йилнинг 30 август куни “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилган. 2003 йилнинг 22 август куни ушбу орден билан Хоразм вилояти мукофотланган.

Жалолиддин, шунингдек, Туркманистонда ҳам хурмат қозонган бўлиб, унинг мўгулларга қарши жасорати бугунги кунда ҳам тараннум этилади.

Алишер Навоий

(1441-1501)



15- аср жаҳон маънавиятиниң буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротда туғилган. Ҳирот шаҳри XV аср биринчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур асос солган улуг салтанатниң иккинчи пойтахти хисобланган. Бўлгуси шоирнинг отаси Ғиёсiddин Муҳаммад ўглиниң тарбиясига жиддий эътибор берди. Алишернинг шеъриятдаги илк устози тогаси Мир Сайид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлардир. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Кобулий ҳақида: «Яхши табъи бор эрди, туркчада майли кўпроқ эрди...» деса, Ғарибий ҳақида: «Хуш муховара (хушсухбат) ва хушхулқ ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чалар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди...» — дейди.

Алишернинг умри асосан Самарқанд ва Ҳиротда кечар эди. Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллаганда, Алишер Навоий 28 ёшли мукаммал билимлар эгаси, юрга танилган шоир ва тажрибали давлат арбоби даражасига етишган эди. 1469 йилда Султон Ҳусайн илтимосига кўра Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтади ва рамазон хайти муносабати билан дўсти шарафиға битилган «Ҳилолия» қасидасини унга тақдим этади. Ҳусайн Бойқаро Алишерни муҳрдор қилиб тайинлайди ва шу пайтдан шоирнинг эл хизматидаги фаол жидду жаҳди бошланади. Кўп ўтмай Навоий муҳрдорликни ўзининг яқин дўсти ва фикрдоши, шоир Амир Шайхим Сухайлийга топширади. «Бу нозиктабъ ва зукко Амир 20 йилдан ортиқ Бойқарога мулозим бўлди». Лекин Бойқаро дўстининг норозилигига ҳам қарамай, 1472 йил февраляда уни вазир лавозимиға тайинлайди ва «Амири Кабир» («Улуг Амир») унвонини беради. Алишер Навоийга багишланган тарихий ва илмий асарларда батафсил тавсиф қилинишича, 1469—1481 йиллар Алишер Навоийнинг ижтимоий ҳаёт ва ободончилик борасидаги энг фаол хизмат қўрсатган йиллари бўлган. Шоир 1481 йили «Вақфия» асарини ёзиб, унда ўзининг бинокорлик ва хайрия ишларига якун ясад, ўз-ўзига хисоб берган. Навоий деҳқончилик ишларини йўлга кўйиб, жуда яхши натижаларга эришган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорида эди. Улуг Амир бу даромаднинг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни эслайди. 1500 йилларга келиб шоирнинг ҳаёт шароити қийинлашиб, соглиги заифлашиб қолса-да, ижоддан тўхтамади. 1501 йилнинг бошида Навоий касалликдан вафот этди. Алишер Навоий ижодини ўрганиш, унинг илмий таҳлили бўйича сўнгги йилларда қатор таниқли тадқиқотчilar иш олиб бордилар ва бугунги кунда ҳам Навоийнинг мероси кўпгина олимларимизни илҳомлантириб келади. Ҳозирда мактаблар, хиёбонлар, кўчалар буюк шоиримиз номи билан юритилади. Унинг номида Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилган. 1483 йилдан Алишер Навоий ўзининг буюк «Ҳамса» асарини ёзишга киришди ва уни уч йилда тугаллади. Беш достонни ўз ичига олган бу улкан бадиий қомус 50 минг мисрадан ошиқ бўлиб, Навоийнинг барча шеърий меросини деярли ярмини ташкил қиласи. «Ҳамса» — Алишер Навоий ижодининг қалбидир. Навоий ўз «Ҳамса»сини яратишга 1483 йилда киришган бўлса, унинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»)ни ўша или ёзиб тугатди. 1484 йилда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» («Етти сайёр»), 1485 йилда «Садди Искандарий» достонини поёнига етказди. Шундан сўнг «Наводир ун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар»)ни ва «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар Навоийнинг девони «Ҳазойин ул-маоний»га олдинги икки алоҳида девондаги шеърларнинг деярли барчаси кирган бўлиб, кейин яратилган 1400 га яқин янги асарлар қўшилган. Навоий 1498 йилда «Лисон ут-тайр», 1499 йилда «Муҳокамат ул-лугатайн», 1500 йили «Махбуб ул-кулуб» асарларини езди.

Захириддин Мұхаммад Бобур (1483-1530)




Захириддин Мұхаммад Бобур, Үрта аср Шарқ маданияти, адабиети ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адеб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. У Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машхур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис газал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатги Бобурий»,

«Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисолалари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб хисса бўлиб кўшилди. Захириддин Мұхаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февраляда Андижонда, Фаргона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида дунёга келди. Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр кўйган Захириддин, барча Темурий шаҳзодалар каби бу илмларнинг асосини отаси саройида, етук устозлар раҳбарлигига эгаллади. Бироқ унинг беташвиш ёшлиги узоққа чўзилмади. 1494 йили отадан етим колди. 12 ёшида отаси ўрнига Фаргона улусининг ҳокими этиб кўтарилиган Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Андижон таҳти учун укаси Жаҳонгир Мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тогаси Султон Маҳмудхон ва бошқа ракибларга қарши курашишга мажбур бўлди. Шундан сўнг укаси ва Шайбонийхондан зарда бўлган Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1504 йили Шайбонийхон Андижонни ҳам қўлга киритгандан сўнг, Бобур жанубга қараб йўл олди ва Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505-1515 йилларда у Марказий Осиёга қайтишга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо бу уринишлардан хеч қандай натижа чиқмади. Сўнг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида, 1526 йил апрел ойида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лўди билан ва 1527 йили март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг қўли баланд келди ва бу галаба Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди. «Бобурийлар сулоласи» Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ хукмронлик қилди. Бобур бу галабадан кейин узоқ яшамади — 1530 йил декабр ойида, Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ унинг васиятига кўра фарзандлари унинг хокини Кобулга олиб келиб дафн этдилар.

Абу Али ибн Сино

(980-1037)



Марказий Осиё ҳалқлари маданиятини Үрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири — Абу Али ибн Сино бўлиб, у Оврўпода Авиценна номи билан машхурдир. У 980 йилнинг сафар ойида, амаддор оиласида тугилди. Ибн Сино истеъдодли, хотираси кучли, зехри ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тездан эгаллай бошлади. 10 ёшидаёқ қуъони каримни бошдан-оёқ ёд ўқир эди. 13 ёшларидан бошлангич математика, мантиқ, фикҳ, фалсафа илмлари билан шугуллана бошлайди. Ибн Сино ёш бўлишига қарамай, Абу Абдуллоҳдан тиббиёт илмини ҳар томонлама ўрганади, аста-секин табиблик билан ҳам шугулланади. У

қадимги юонон табиий-илмий, фалсафий меросини, хусусан Аристотель, Евклид, Птолемей, Гален, Гиппократ, Пифагор, Порфирийларнинг асарларини ҳам қунт билан ўрганди. 16-17

ёшидаёқ ибн Сино машхур табиб — хаким бўлиб танилди. 1000 йилда ибн Сино Бухородан чиқиб кетди ва маданият марказларидан бири ҳисобланган Хоразмга борди, у ерда етук олимлар билан яқиндан танишди. Лекин бу даврда кучайиб бораётган Маҳмуд Газнавийнинг таъкибидан қочиб, Хоразмни ташлаб кетишга ва Хурросон, Эроннинг турли шаҳарларида сарсон-саргардонлиқда юришга мажбур бўлди. 1019-21 йилларда Ҳамадонда вазир лавозимида хизмат қиларкан, ҳоким билан келиша олмай, 4 ой қамоқда ётиб чиқди. 1023 йилда Исфаҳонга қочди ва бутун умрини илмий асарлар ёзишга багишлади. Ибн Синонинг «Китоб ал-қонун фит-тибб», «Китоб ун-нажот», «Китоб ул-инсоф» каби машхур асарлари, геометрия, астрономия, ўсимлик, ҳайвонот олами, мантиқа оид рисолалари, «Ҳайй ибн Яқзон» фалсафий қиссаси сўнгги йилларда ёзилган. У Исфаҳонда расадхона қуриш билан машгул бўлди. 1037 йил 18 июнда Исфаҳон шаҳрида 57 ёшида қулуңж қасаллигидан вафот этди. Ибн Сино табобат масалаларини оммабоп ҳолда назм билан изоҳловчи «Уржуза» номли тиббий асар яратди. Унинг Аристотель (Арасту) таълимоти хусусида Абу Райҳон Беруний билан ва ўзининг шогирди — озарбайжонлик мутафаккир Бахманёр билан ёзишмалари фан оламида машхур. Айниқса, табобат, у билан bogлиқ ҳолда анатомия, психология, фармакология, терапия, хирургия, диагностика, гигиена каби илмлар ибн Сино ижодида бир қанча янги ихтиrolар билан бойиди ва янги босқичга кўтарилди. Булардан ташқари, кимё, минералогия, астрономия, ма-тематика, ўсимлик дунёси, геологик жараёнларни ўрганиш соҳасида ҳам у янги-янги фикрларни олга суро олди. Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги асарларидан «Китоб ал-қонун фит-тибб» («Тиб қонунлари»), «Китоб ул-куланж» («Ичак санчиқлари»), «Китоб ун-набз» («Томир кўриш ҳақида китоб»), «Фуж ул-тиббий жориа фи мажлисих» («Тиб ҳақида ҳикматли сўзлар»), «Тадбир ул-манзил» («Туарар жойнинг тузилиши»), «Фил-хиндубо» («Сачратки ўсимлиги ҳақида»), «Рисола фи-дастур ит-тиббий» («Тиббий кўрсатмалар ҳақида») каби асарлари мавжуд. Унинг тиббиётга оид қомусий асари «Китоб ал-қонун фит-тибб» 5 мустақил катта асардан таркиб топган: уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил, ҳар томонлама ёритиб беради. Шу ўринда айтиш керакки Минералогия илмининг ривожида ҳам ибн Синонинг хизмати катта. У минералларни 4 гурухга ажратади, Ибн Сино асарлари Оврўпода XII асрдан бошлиб лотин тилига таржима қилина бошлади. «Тиб қонунлари» асарининг ўзи лотинчада 30 мартадан ортиқ нашр қилинди. «Китоб ушшифо»нинг кўп бўлимлари, мантиқ, мусиқа, ернинг тузилиши, геологик жараёнлар, метафизикага оид қисмлари ҳам лотинчада нашр этилди. Сўнгти илмий тадқиқотлар ибн Синонинг Шарқ адабиётiga ҳам таъсир кўрсатганлигини, чуқур фалсафий мазмунни ифодаловчи рубоий ва фалсафий қиссалар жанрининг тараққиётiga туртки берганлигини кўрсатади. Ибн Сино халқ орасида шу даражада ҳурматга сазовор бўлди, у фольклор қаҳрамонига айланиб кетди. Шарқ халқларида унинг тўғрисида турли ҳикоя, ривояту афсоналар вужудга келди. Жаҳон олимлари ибн Сино асарлари, унинг фаолияти тўғрисида кўпдан бери илмий-тадқиқот ишларини олиб борадилар. Ҳозирда жаҳондаги деярли барча тилларда ибн Сино ҳақида асарлар яратилган.

Махмудхўжа Беҳбудий

(1875-1919)



Махмудхўжа Беҳбудий ўзбек драматургиясини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист. У тарихимизнинг гоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. XVI асрдан бошланган инқироз ва тургунлик, ўзаро жанжал, маҳаллий уругчилик низолари миллатни ҳолдан тойдирган, имкондан фойдаланиб ўлкани забт этган Русия зўр бериб, уни тургун ва тутқун саклашга уринарди. Махмудхўжа Беҳбудий мана шу Туркистон жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, бошлаб берувчиси эди. У 1875 йилнинг 19 январида Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида, руҳоний оиласида дунёга келган. Отаси Беҳбудхўжа Солиҳхўжа ўғли туркистонлик, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан эди. у киши жуда зеҳнли бўлганлиги учун 18 ёшида қозихонада мирзолик қила бошлайди. Ўз устида қунт билан ишлаб, шариатнинг юксак мақомлари — қози, муфти даражасигача кўтарилади. Ёш Махмудхўжа дунёқарашининг шаклланишида Русия жадидчилик ҳаракатининг асосчиси **Исмоилбек Гаспринскийнинг** хизмати катта бўлган. У 1892 йилда Туркистондаги мактабларни ислоҳ қилиш, «усули савтия»ни жорий этиш таклифи билан генерал-губернатор Н. О. Розенбаҳга мурожаат этади. Жавоб олмагач, 1893 йилда ўзи Тошкентга келди. Самарқанд, Бухорода бўлди. Кетма-кет «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий» (1905), «Китобатул-атфол» (1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) каби китоблари пайдо бўлади. 1903—1904 йилларда Москвава, Петербургга боради, 1907 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас, хизмат сафари эди. Масалан: Нижний Новгородда 1907 йилнинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига багишланган курултойи чакирилади. Беҳбудий туркистонликлар гурухини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди. (*Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмайди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ керак. Миллат ва Ватанинг аҳволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ лозим. Миллат учун ойна керак, токи ундан ўз қабоҳатини ҳам малоҳатини ҳам кўра олсин.*) Мана шу эҳтиёж ва зарурат Беҳбудийни театр ва матбуотга бошлади. **«Падаркуш»** драмаси шу тариқа майдонга келди. Бироқ унинг дунё кўриши осон кечмади. **«Падаркуш»** драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқади. Китоб жилдига **«Бородино жанги ва Россиянинг французлар босқинидан ҳалос бўлишининг юбилей санасига бағишлианди»** деган ёзув билан Тифлис цензурасидан руҳсат олинади. Босилиб чиққандан кейин ҳам саҳнага қўйиш учун яқин бир йил вақт кетади. 1913 йилдан Беҳбудий матбуот ишлари билан шугулланди. Апрелдан «Самарқанд» газетасини чиқара бошлади. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт сахифада чоп этилган. Сўнг Беҳбудий шу йилнинг 30 августидан «Ойна» журналини чиқара бошлайди. Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалар эди... Жадидларнинг севикли журналлари эди...» деб ёзган эди Зиё Саид. 1914 йилнинг 29 майида Беҳбудий иккинчи бор араб мамлакатларига саёҳатга отланади. Поездга ўтириб Байрамали орқали Ашхободга ўтади. Красноводскдан пароход билан Бокуга боради. 2 июнда Минералние води-Кисловодск-Пятигорск, Железнодорск-Ростов-Одессани кезиб, 8 июнда Истамбулга кириб келади. Кичик саёҳатдан сўнг Истамбулга қайтиб, 21 июнда сув йўли билан Қуддусга йўл олади. Байрут, Ёфа, Халил ар-Рахмон, Порт Саид, Шом шаҳарларини тамоша қиласади. Саёҳат хотиралари хар жиҳатдан гоят муҳим бўлиб, Беҳбудий уларни ўз журнали «Ойна»нинг 1914 йил сонларида мазкур ном остида пешма-пеш бериб боради. Бобомиз ёшларни тил ўрганишга чорлаб, Журналнинг 1913 йил 13 август биринчи-нишона сонидаёқ **«Икки эмас, тўрт тил лозим»** деган мақола билан чиқкан эди. Аммо Беҳбудийнинг орзуларига Орзулари чил-чил бўлган Беҳбудий 1919 йилнинг баҳорида, 25 марта паришон ҳолда йўлга

чиқади ва Шахрисабзда қўлга олиниб, таҳминан икки ой ўтгач, Қаршига келтириб зинданга ташланди. Бир неча кундан сўнг Қарши беги Тогайбекнинг буйруги билан зиндан якинидаги «подшолик чорбоги»да ўлдирилган. **1920 йилнинг апрелида бутун Туркистон мотам тутди.**



Мирзо Улугбек (1394-1449)

Мирзо Улугбек 1394 йилнинг март ойида Эроннинг гарбидаги Султония шаҳрида Шоҳруҳ Мирзонинг тўнгич ўғли бўлиб, унга Муҳаммад Тарагай исми берилган, лекин болалигигидаёқ у Улугбек деб атала бошлаб, бу исм кейинчалик унинг асосий исми бўлиб қолди. Улугбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришларида ўтди. 1405 йил Хитойга қилинаётган юриш бошида Темур вафот этгач, икки йил давомида унинг авлодлари ўртасида таҳт учун кураш давом этди ва бу курашда Темурнинг кенжаси ўғли Шоҳруҳнинг кўли баланд кедди. Лекин Шоҳруҳ ўзига пойтахт қилиб

Ҳиротни танлаб, Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандни эса ўғли Улугбекка топширди. Шундай бўлса ҳам Шоҳруҳ Эрон ва Туроннинг ягона хоқони деб ҳисобланарди. Шоҳруҳ тўнгич ўғли Улугбекни 1411 йили Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинлади. Улугбек 17 ёшида ҳоким бўлиб, бобосидан фарқли ўлароқ ҳарбий юришлар билан қизикмас, кўпроқ илм-фанга мойил эди. Афсуски, Улугбекнинг бошлангич маълумоти ва мураббий ҳамда устозлари ҳақида аниқ маълумот сакланмаган. Улугбек болалик йилларида бувиси Сароймулхоним тарбиясида бўлган. Албатта биз бу аёл ўзининг севимли набирасига ўкув-ёзувни ўргатгани ҳамда тарихий мавзудаги ҳикоя ва эртакларни сўйлаб берганлигини таҳмин қилишимиз мумкин. 1405—1411 йилларда амир Шоҳ Малик ёш мирзонинг отабеги бўлган. Лекин у Улугбекка асосан ҳарбий ва сиёсий тарбия бера олиши мумкин эди. Улугбек умрининг ilk давриданоқ Мавлоно Аҳмад ва қозизода Румий каби астроном ва математиклар таъсирида улгаяди. Шу сабабли унинг ҳаётида аниқ файл ар мухим аҳамият касб этади. Улугбек йигирма ёшларида ўз даврининг йирик олимларидан бўлиб, унинг ҳокимлиги давридаги мухим янгиликлар бутун Ўрта аср маданияти тарихида улкан аҳамият касб этди. Улугбекнинг ходи-ми бўлмиш гиёсиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарқанддан Кошонга отасига ёзган мактубида Улугбекнинг фаолияти ва билимдонлигини куйидагicha таърифлайди: «Аллоҳга ва унинг неъматларига шукроналар бўлсунким, етти иқлимининг фармонбардори, Ислом подшоҳи (яъни Улугбек — А. А.) донишманд кишидирлар деб таърифлаган.

Давлат ишлари билан bogлиқ бўлган юриш-кўчишлар, расадхонадаги кузатишлар ва мадрасадаги дарслар, ундан ташқари илмий ишларга умумий раҳбарлик қилиш ҳам Улугбекнинг кўп вақтини олади. Шунинг учун бўлса керак, бевосита Улугбек номи билан bogлиқ илмий асарлар сони жиҳатдан кўп эмас — улар тўртта. Улугбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳури унинг «**Зиж**»и бўлиб, бу асар «**Зижи Улугбек**», «**Зижи жадиди Гурагоний**» деб ҳам аталади. «**Зиж**»дан ташқари унинг математик асари «**Бир даражада синусини аниқлаш ҳақида рисола**», астрономияга оид «**Рисолайи Улугбек**» (ягона нусхаси Ҳиндистонда, Алигарҳ университета кутубхонасида сакланади) ва тарихга дойр «**Тарихи арбаъ улус**» («Тўрт улус тарихи») асаридир. Аммо буюк олим номард ўғил қурбони бўлади. 1449 йили Улугбекнинг фожиали ҳалокатидан сўнг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетадилар. Мустақилликдан сўнг, 1994 йил Улугбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан «**Зижи жадиди Гурагоний**»нинг

биринчи бор тўлигича рус тилига таржимаси босиб чиқарилди. Шу йили яна Улугбекнинг «Тарихи арбас улус» асари ҳам узбек тилида Тошкентда нашр этилди.

Ҳалқаро ташкилот номлари

- БМТ – Бирлашган миллатлар ташкилоти (1992 йил 2 март)
МДХ – Мустакил давлатлар ҳамдўстлиги (1991 йил 21 декабрь)
ЖСТ – Жаҳон савдо ташкилоти (1992 -1993 йиллар)
ЭCOSAH – Экология ташкилоти (1993 йил 20 сентябрь)
ШХТ – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (1996 йил , қайта номланиши 2001 йил 15 июнь)
ИНТЕРПОЛ – ҳалқаро полиция ташкилоти (1994 йил)
МАГАТЕ – Атом энергиясидан фойдаланишни назорат қилувчи ташкилоти (1994 йил)
UNESCO – Бутун жаҳон маданий ёдгорликлар ташкилоти (1993 йил 26 октябрь)
НАТО – Шимолий атлантика ҳарбий блоки (1994 йил 13 июнь)
ОРЕК – Ҳалқаро нефт ташкилоти (1996 йил)
НАФТА – Ҳалқаро эркин иқтисодий зоналар ташкилоти
ТАТ (ХМТ) – Ҳалқаро меҳнат ташкилоти (1992)
ХСП – Ҳалқаро савдо палатаси
ХСТ – Ҳалқаро стандартлаштириш ташкилоти
ЖИМТ – Жаҳон интелектуал мулк ташкилоти



Макаров Николай Федорович (1914-1988)

30 дан ортиқ қуроллар ва “Конкурс”,
“Фагот” танкларга қарши ракета
комплексларини яратилишида иштирок этиб,
ПМ, ПММ пистолетларини яратган.

9 мм. ли Макаров пистолети (ПМ) 1951 й.

9 мм Макаров пистолети шахсий қурол ҳисобланиб, ҳужум
ва мудофаа мобайнида, душманни жонли кучини қисқа
масофалардан йүқ қилиш учун мүлжалланган.



| | |
|--|------------------|
| - Ствол калибри, мм.да | 9 мм |
| - Тўппончанинг узунлиги | 161 мм |
| - Тўппончанинг ўқдон, патронлари б-н огирилиги | 810 гр |
| - Тўппончанинг баландлиги | 126,75 мм |
| - Тўппончанинг ўқдени билан ўқсиз огирилиги | 730 гр |
| - Стволдаги чизиқлар сони | 4 та |
| - Ўқдонининг сигими | 8 дона |
| - Патрон огирилиги | 10 гр |
| - Ўқ огирилиги | 6,1 гр |
| - Патрон узунлиги | 25 мм |
| - Жанговар отиш тезлиги | 30 та/мин |
| - Ўқнинг бошлангич учиш тезлиги | 315 м/сек |



АКС-74У Автомати

Калашников Михаил Тимофеевич

(1919-2013)

АК-47, АКМ, АКМС, РПК, АК-74, АК-74М, АКС-74, АКС-74У, РПК-74, РПКС, ПК, ПКМ , АК-12 ва “Сайга” ов қуролларини яратган.



- Калибри.....5,45 мм.
- Ўқдони б-н тўлиқ ўқланган ҳолда оғирлиги3,0 кг.
- Ўқдони бўш ҳолатдаги оғирлиги2,5 кг.
- Автоматнинг узунлиги.....490 мм.
- Жанговар ҳолатдаги узунлиги730 мм.
- Мўлжалли отиш масофаси 500 метр.
- Ўқнинг самарали тегиш масофаси400 метр.
- Кўкрак нишонга отиш масофаси360 метр.
- Шикаст етказиш масофаси1100 метр.
- Ўқ отиш тезлиги: Сурункали 100 та/минутига.
Якка тартибда 40 та/минутига.
- Ўқдоннинг сигими 30 дона .
- Стволдаги чизиқлар сони 4 та.
- Патроннинг оғирлиги..... 10,2 грамм.
- Ўқнинг оғирлиги.....3,5 грамм.

АКМ (Автомат Калашникова Модернизированный)



7,62 мм. АКМ (Автомат Калашникова Модернизированный) – автомати шахсий қорол ҳисобланиб, душманнинг шахсий таркибини ўт очиш йўли билан, қўл жангиди эса ханжари билан йўқ қилиш учун хизмат қиласди.

Автоматдан отиш учун 7,62 мм.ли 1943 йил нусхасидаги патронлар ишлатилади. Патронлар: оддий (пўлат негизли) из қолдирувчи ва орнешар-ёкувчи бўлади.

| | |
|--|------------------|
| Ствол калибри..... | 7,62 мм. |
| Автоматдан ўқ отишнинг энг омилкор узоқлиги..... | 400 метр. |
| Кўкрак нишонга қарата ўқ отиш узоқлиги | 350 метр. |
| Югуриб кетаётган нишонга ўқ узиш..... | 525 метр. |
| Ердаги нишонга қарата ўқ узиш | 800 метр. |
| Самалёт ва парашутчиларга қарата ўқ узиш | 500 метр. |
| - Ўқ узиш тезлиги | 600 та/минутига. |
| Жанговар ўқ отиш тезлиги | |
| - Автоматик усулда..... | 100 та/минутига. |
| - Якка усулда | 40 та/минутига. |
| - Оғирлиги (ўқланган ўқдони билан ханжарсиз) | |
| - АКМ..... | 3,6 кг. |
| - АКМС..... | 3,8 кг. |
| - Ханжарнинг қини билан оғирлиги | 450 гр. |
| - Ўқдоннинг сигими..... | 30 дона. |
| - Ўқнинг бошлангич учиш тезлиги..... | 715 м/сек. |

- Ўқнинг учиш узоқлиги3000 метр.
- Аниқ уриш масофаси1000 метр.

“Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 15 мартағи 55-сонли буйруғи

Жисмоний куч ишлатиш

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар ходимнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, у қуидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гурух) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш учун;
жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни энг яқиндаги ички ишлар органига ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

ходимнинг қонуний талабларига қаршилик қўрсатилишини бартараф этиш учун.

Ходим маҳсус восита ва ўқотар қурол қўлланишига рухсат этилган ҳолларда хам жисмоний куч ишлатишга ҳақли.

Қуидаги шахсларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш тақиқланади:

ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга;

ногиронлик белгилари қўриниб турган шахсларга;

ёши аниқ қўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга.

Ушбу шахслар томонидан қуролли қаршилик қўрсатилган, фуқароларнинг ёхуд ходимларнинг ҳаёти ва соглигига таҳдид солиб, ҳужум қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Маҳсус воситаларни қўллаш

Қуидаги ҳолатларда ходимлар маҳсус воситаларни шахсан ўзи ёки бўлинма таркибида қўллаш ҳуқуқига эга:

резина таёқлар:

фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтариш учун;

жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишида;

ходимга қаршилик қўрсатилишига чек қўйишида;

жиноятни содир этиш чогида ёки уни содир этганидан кейин дархол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;

қуролли қаршилик қўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа гайриқонуний хатти-харакатларга чек қўйишида;

муҳофаза қилинадиган обьектларни химоя қилишда, гайриқонуний хатти-харакатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишида;

кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли, шикастлантирувчи қурол:

фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтариш учун; жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишида; ходимга қаршилик қўрсатилишига чек қўйишида;

жиноятни содир этиш чогида ёки уни содир этганидан кейин дархол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда; қуролли қаршилик қўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа гайриқонуний хатти-харакатларга чек қўйишда;

муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишда, гайриқонуний хатти-харакатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг харакатланишини тўсиб қўйишда.

қўлкишанлари ёки бошқа боғлаш воситалари:

жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

ички ишлар органи ходимиға қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

жиноятни содир этиш чогида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда; қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, кўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа гайриқонуний хатти-харакатларга чек қўйишда;

муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишда, гайриқонуний хатти-харакатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг харакат йўналишини тўсиб қўйишда;

маҳсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар:

ҳайдовчиси, ходимнинг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишида; жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда; муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишда, гайриқонуний хатти-харакатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг харакатланишини тўсиб қўйишда;

электрошок қурилмалари:

фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтариш учун; жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда; ички ишлар органи ходимиға қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда; жиноятни содир этиш чогида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда; ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, кўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида; зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда.

хизмат ҳайвонлари:

фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтариш учун; жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

ички ишлар органи ходимиға қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

жиноятни содир этиш чогида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда; қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, кўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа гайриқонуний хатти-харакатларга чек қўйишда; жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишда, гайриқонуний хатти-харакатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг харакатланишини тўсиб қўйишда.

чалғитма таъсир қўрсатувчи нур-товуш мосламалари:

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда; фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа гайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда; муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишда, гайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситалари:

фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа гайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда; автотранспорт ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишида;

тинчлантириш қўйлаги:

фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтариш учун; жиноятга ёки маъмурий ҳукуқбузарликка чек қўйишда; ходимга қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда; жиноятни содир этиш чогида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишига уринаётган шахсни ушлашда; куролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда.

сув билан зарба берувчи машиналар:

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда; фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа гайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда.

зирҳли машиналар:

куролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда; зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда; фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа гайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда.

муҳофаза қилинадиган обьектларни (худудларни) ҳимоя қилиш, гайриқонуний ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гурухларининг ҳаракатланиши йўналишини тўсиш воситалари:

муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишда, гайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар:

куролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда; зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда; фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа гайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда; жиноятлар ёки маъмурий ҳукуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда.

Ходим ушбу Йўриқномада ўқотар қурол ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда маҳсус воситаларни кўллаш ҳуқуқига эга.

Маҳсус воситаларнинг кўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаёти, соглигига хавф тугдирмаслиги ва мол-мулкига заرار етказмаслиги керак.

Ходимларни маҳсус воситалар билан куролланишига қуйидагилар томонидан рухсат берилади:

резина таёқлар, электрошок қурилмалари, қўлкишанлари, хизмат хайвонлар, тинчлантириш қўйлаги, кўздан ёш оқизувчи моддалар билан – ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси, жазони ижро этиш муассасаси (бундан бўён матнда ЖИЭМ деб юритилади) бошлиги ва унинг ёрдамчиси – тезкор навбатчи, ИИВ таълим муассасалари бошликлари, Қоровул қўшинлари харбий қисм ва бўлинма командирлари;

транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш мосламалари; маҳсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар; кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли шикастлантируви

курол; чалгитма таъсир кўрсатувчи нур-товушли мосламалар, муҳофаза қилинадиган обьектларни (худудларни) ҳимоя қилиш, гайриконуний ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гурухларининг ҳаракат йўналишини тўсиш воситалари – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Транспортдаги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошликлари, ЖИЭМ (тергов хибсонаси) бошлиги, Қоровул қўшинлари қўмондони, ИИВ таълим муассасалари бошликлари, маҳсус операция раҳбарининг қарори асосида.

Сув билан зарба берувчи ва зирхли машиналар Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошликларининг оғзаки ёки ёзма қарори асосида қўлланилади, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига ҳамда Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокурорларига ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларга дарҳол хабар берилади.

Ички ишлар органлари бошликлари ҳамда маҳсус операция раҳбари ўзининг қарорида маҳсус воситаларнинг қўллаш тартибини белгилайди.

Ички ишлар органларига юқлатилган вазифаларни бажариш чогида ходим маҳсус воситаларни қўллаш бўйича мустақил қарор қабул қилиш хуқуқига эга.

Қўйидаги шахсларга нисбатан маҳсус воситаларни қўллаш тақиқланади:

ҳомилдорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга.

Бундан уларнинг куролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ходимнинг хаёти ва соглигига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно. Шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган гайриконуний йигилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлиар ва пикет қўйишишларни бартараф этиш чогида маҳсус воситаларнинг, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи куролнинг қўлланилиши тақиқланади.

Қўйидагилар тақиқланади:

одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суюгига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш;

ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича ноль даражадан паст бўлганида сув билан зарба берувчи машиналарни қўллаш.

Маҳсус воситаларни қўллаган ходим ўрнатилган тартибда ўзининг бевосита раҳбарига билдирги орқали аҳборот беради. Билдиргида качон, қаерда, кимга нисбатан, қандай вазиятда маҳсус воситалар кўлланилганлиги кўрсатилади.

ЖИЭМда хизмат ўтаётган ҳарбий назоратчилар томонидан маҳсус воситаларни қўлланилганлиги тўгрисида назоратнинг суткалик жадвалига ёзиб қўйилади.

Ўқотар қуролни олиб юриш ва сақлаш

Ходимлар томонидан хизмат фаолияти давомида ўқотар қуролни олиб юриш, сақлаш тартиби ва муддатлари ички ишлар органи бошликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари асосида белгиланади.

Худуддаги тезкор ва криминоген вазиятни инобатга олиб ички ишлар органи бошлиги томонидан ходимга ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга рухсат этилиши мумкин.

Ўқотар қурол ходимларга уларнинг шахсий жавобгарлиги остида берилади.

Тўппончалар гилофларда, тасмаси тақилган ҳолатда олиб юрилади. Битта ўқдон тўппонча дастагида, иккинчи захира ўқдон гилофда сақланади.

Автомат ва милтиқлар «Тасмага» ҳолатида олиб юрилади. Ўқдонлари ўқдон халталарида сақланади.

Үқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга эхтиёж бўлмаганда, үқотар қурол ички ишлар органлари навбатчилик қисмига ёки омборига топширилади.

Ўқотар қуролни қўллаш

Қуйидаги ҳолатларда ходим шахсан ўзи ёки бўлинма (гурух) таркибида үқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёти ёки соглиги учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган хужумдан ҳимоя қилишда;

гаровдагиларни озод қилишда;

ўта огир жиноятни содир этиш чогида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

ички ишлар органларининг үқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, маҳсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қўриқланадиган обьектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гурух бўлиб қилинган хужумни ёки қуролли хужумни даф этишда;

қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эхтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

агар транспорт воситасининг хайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига ҳақиқий хавф тугдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;

инсоннинг ҳаёти ва соглигига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қаратада ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали беришда ёки ёрдамга чақиришда.

Ички ишлар органининг ходими үқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантиради, бундан унинг ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган холлар мустасно.

Ходим үқотар қуролни қўллашдан олдин қўйидагиларга мажбур:

шахсни «**Тўхта! Отаман!**» деб ҳайқириб огоҳлантиришга;

шахс огоҳлантиришдан кейин ҳам ходимнинг талабларига бўйсунмаса, юқорига огоҳлантириб ўқ отишга.

Қуйидаги ҳолатларда үқотар қурол огоҳлантиришсиз қўлланилади:

ходимнинг ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соглигига бевосита хавф таҳдид солаётганда;

тўсатдан қуролли хужум қилинганда;

жанговар техника, транспорт воситалари, учувчи аппаратлар, дарё кемаларидан фойдаланган холда хужум уюштирилганда;

маҳкумлар, ҳибсга олинган ёки ушланган шахслар қурол билан ва транспорт воситасида ёхуд транспорт воситаларининг ҳаракати вақтида қочганда;

террорчилек ҳаракатлари содир этмоқчи бўлган шахсларни зарарсизлантиришда;

инсоннинг ҳаёти ва соглигига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда.

Аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан үқотар қуролларни қўллаш тақиқланади. Ушбу шахслар томонидан қуролли хужум қилинган, қуролли қаршилик

кўрсатилган ёки фуқароларнинг ёхуд ходимнинг ҳаёти ва соглигига таҳдид этиб, гурух бўлиб ҳужум қилинган холатлар бундан мустасно.

Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ходим кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари билан ходимларни қуроллантириш хамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

ТАШВИШГОХ ҚОПИННИНГ БУЮМЛАРИ

Фонар, гугурт, шагам 1 донадан, дафтар, ручка, оддий қалам 1 донадан, қалам тароч 1 донадан, ички кийим ёзги, қишки) 1 жуфтдан, дастрўмол, пайпок 2 жуфтдан, игна ва иплар (қора, оқ, кўқ) 1 донадан, шёткалар (оёқ кийимга, уст кийимга), оёқ кийим учун крем (кора) 1 дона, овқатланиш анжомлари (чашка, кружка, пичок, қошиқ) 1 донадан, ювиниш анжомлари (устара, совун, тиш ювиш пастаси, сочиқ), Бинт 2 дона, нашатир спирти, зелёнка, йод, пахта.

КУНЛИК ОЗУҚА

Қотган нон 270-300 гр, гўшти консервалар 325-338 гр, балиқ консервалар 240-250 гр, қанд 180 гр, чой 3 гр, салфетка қогоз, компас, озиқ-овқат учун 5 сутка хажмида пул.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АВТОУЛОВЛАРНИ ДАВЛАТ РАҚАМЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

Тошкент шаҳар: **01-09;**
Сирдарё: **20-24;**
Самарқанд: **30-39;**
Наманганд: **50-59;**
Қашқадарё: **70-74;**
Бухоро: **80-84;**
Хоразм: **90-94;**

Тошкент вилояти: **10-19;**
Жиззах: **25-29;**
Фарғона; **40-49;**
Андижон: **60-69;**
Сурхандарё; **75-79;**
Навоий: **85-89;**
Қорақалпогистон: **95-99;**

Профилактика инспектори билиши лозим бўлган юридик атамалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси -хуқуқ-тартиботни сақлаш хамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шартшароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими.

Жиноят – Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (харакат ёки харакатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Ижтимоий хавфли қилмиш – Жиноят кодекси билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш.

Ҳуқуқбузарлик - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли гайриҳуқукий қилмиш (харакат ёки харакатсизлик).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик - қонун ҳужжатлариға биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлариға, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухиттага тажовуз қилувчи гайрихукукий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Қизил тоифа маҳалла - ҳар бир маҳаллада содир этилган жиноятлар туман кўрсаткичи билан солиштирилганда хисбот даврида содир этилган маҳалла жиноятлари туман кўрсаткичига нисбатан юқори бўлган;

ҳар бир маҳаллада алоҳида тоифадаги шахслар, яъни вояга етмаган шахс, аёл, ишсиз шахс, илгари судланган шахс, маст шахс, профилактик ҳисобда турган шахс, маъмурий назорат остида турган шахслар томонидан жиноят содир этиш кўрсаткичи минг аҳоли сонига нисбатан туман кўрсаткичи билан солиштирилганда, хисбот даврида маҳаллада ушбу тоифадаги барча шахслар томонидан жиноят содир этилиши туман кўрсаткичига нисбатан юқори бўлганда.

Сарик тоифа маҳалла - маҳаллани белгилашда ҳар бир маҳаллада содир этилган жиноятлар туман кўрсаткичи билан солиштирилиб, хисбот даврида содир этилган маҳалла жиноятлари туман кўрсаткичига тенг ёки ундан паст бўлиши мезон сифатида қаралади.

Яшил тоифа маҳалла - маҳаллани белгилашда хисбот даврида маҳалла худудида олдини олиш мумкин бўлган жиноят содир этилмаган бўлиши мезон сифатида қаралади.

Ариза — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўгрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

Таклиф — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

Шикоят — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўгрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

Такрорий мурожаат — айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўгрисида хабар қилинаётган мурожаат;